БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИКА БОШЛАГАН

№ 173 (16.256) • 25 июль 1975 йил, жума • Баҳоси 2 тийин

Суратда: Самарқанд область ўзаро текшириш бригадаси аъзолари Бухоро область Вобкент районидаги Калинин номли колхознинг Темур Саидов бошлиқ бригада далаларида ҳосил чўғини нўздан кечирмоқдалар. Мусобақадошларнинг қимматли маслаҳатлари янги меҳнат зафарларига гаров бўлмоқда.

Б. Мўминов фотоси (ЎзТАГ).

ПАРТИЯ ГРУППАСИ

Коммунист Муборак Исмоилова икки кунлик иш нормасини бир кунда бажарди. Эртаси куни шу нўрсаткич яна такрорланди. Кечқурун партия группасининг йиғилиши бўлди. Коммунистлар ўз ҳамкасблари иш тажрибасини атрофлича ўргандилар. Партия группаси коллектив ўртасида жонли мусобақани авж олдирди. Етти коммунист орқада қолаётганларни оталиққа олди. Ярим йил ўтмай, фабриканинг 1-цехи ишчилари социалистик мусобақа илғори Муборан Исмоиловага тенглашдилар.

Партия группаси бошлаган ибратли ташаббус корхонанинг бошқа цехларида ҳам илдиз отди. Ички резервлар ҳисобига меҳнат унумдорлиги ва ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш учун кураш янги поғонага кўтарилди. Шу тариқа беш йиллик планни тўрт йилда бажариш ҳаракати қулоч ёйди. Ҳозир Урганчдаги В. И. Ленин номли тикувчилик фабрикаси ишчиларидан 67 киши тўққизинчи беш йиллик шахсий топшириқларини бажариб, 1976 йил ҳисобига меҳнат қилмоқда.

«Ҳатто энг кичкина партия ташкилоти ҳам ҳамма нарсани яхши ҳисоблаб чиқса, ҳамма нарсани пайқаб олса, ҳамма нарсани ишга солса, кўп нарсалар қилиши, кўпгина янги имкониятларни топиши мумкин», — деб таъкидлаган эди КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежнев. Партия группаси ана шундай жанговар звенолардан биридир. У ўз сафининг кам сонлиги, аммо ғоят жипслиги билан ажралиб туради. Бир участка, бригада, смена ёки агрегат коммунистларидан ташкил топган группа коллективнинг меҳнат ва ижтимоий фаолиятига таъсир ўтказишнинг катта имкониятларига эга. Унинг фаолияти аниқ мақсадга қаратилган, сўзи ҳар бир коммунист ва ҳар бир меҳнаткашга тез етиб боради. Партия группаси ҳар қандай етилган масалани тез муҳокама қилиб, оперативлик билан ҳал қила олади. Бригада ёки участкада вужудга келган янгилик ёки фойдали ташаббус унинг назаридан ҳеч вақт четда қолмайди, қисқа муддатда бутун бир коллектив мулкига айланади.

КПСС XXIV съездидан сўнг партия группаларини янада мустаҳкамлаш, уларнинг роли ва обрўсини тағин ҳам ошириш юзасидан зарур тадбирлар амалга оширилди. Республика бўйича группадан зарур тадбирлар амалга оширилди. Республика бўйича группалар сони 10150 тага кўпайиб, ташкилий жиҳатдан мустаҳкамланди. Уларнинг иш услуби янада такомиллашди, жанговарлиги ва ишлаб чиқаришга таъсири кучайди.

Партия группаларининг фаолияти ҳар доим жўшқин ва тошқин. КПСС XXV съездига қизғин тайёргарлик кўрилаётган шу кунларда улар коллектив орасида сиёсий кўтаринкилик ва меҳнат ғайратини вужудга келтирмоқдалар. Партия группаларининг жонкуярлиги билан мусобақанинг қудратли нучи меҳнаткашларни тарбиялашнинг муҳим ва таъсирчан воситасига, нишилар онги ва қалбига таъсир ўтказишнинг ўткир қуролига айланди.

Партия группалари фаолиятининг муҳим томони шундаки, улар бошланғич ташкилотнинг ўзаги бўлиб, маъмурият фаолиятини назорат қилиш, ўзлари ташкил топган участка, бригада ёки звено раҳбари ахборотини эшитиш, назоратнинг бошқа формаларидан кенг фойдаланиш ҳуқуқига эгадирлар. Агар раҳбар бирор камчиликка йўл қўйса ёки кишиларга нотўғри муносабатда бўлса, партия группаси унинг тўғри йўлга тушиб олиши учун ёрдамлашади. Бригаликда ва ҳамкорликда қилинган оқилона ҳаракат эса ҳеч вақт фойдадан ҳоли бўлмайди. Партия группаси ҳар бир коммунистнинг КПСС Устави талабларига қандай риоя қилаётгани, коллективда, жамоатчилиқ ўртасида ва оиласидаги юриш-туриши, хулқ-атвори. Ўз устида доимий ишлаши, хуллас партия аъзоси деган улуғ номга яраша қандай фаолият кўрсатаётганини доимо диққат марказида тутмоғи зарур.

Партия группаси бошлаган фойдали ташаббус бошланғич партия ташкилоти томонидан қизғин қўллаб-қувватлансагина, кўзланган мақсадга эришиш мумкин. Анс ҳолда группанинг жанговарлиги, оперативлик билан ишлаш қобилияти, коммунистларнинг ташаббускорлиги, ижодий изланишга бўлган қизиқиши сусаяди. Тошкентнинг Сергели районидаги мебель комбинатида ана шундай воқеа рўй берди. Цех партия группаси социалистик мусобақани ташкил этиш, унинг таъсирчанлиги ва самарадорлигини ошириш юзасидан фойдали таклифлар билан чиқди. Бироқ партия группаси ўз вактида бошланғич партия ташкилоти ва маъмуриятнинг зарур ёрдамини ололмади. Ташаббус цехнинг биргина участкасида ярқ этиб кўринди-ю, кўп ўтмай сўнди. Коммунистларнинг таклиф ва мулоҳазалари, улар ишлаб чиққан ташкилий-техниқавий тадбирлар қоғозда қолиб кетди. Бу эса ўз навбатида коллектив ва якка тартибдаги социалистик мусобақани ташкил этишга ҳам салбий таъсир кўрсатди. Мусобақанинг асосий шарти—ички резервлардан фойдаланиш асосида меҳнат унумдорлигини ошириш ва маҳсулот сифатини яхшилаш талабларига эътибор берилмай қўйди.

Партия группаси ташкилотчиси партия коллективи ҳаётида катта роль ўйнайди. Ташкилотчи сиёсий етук, ташаббускор ва актив коммунистдир. У группа коммунистларини ахил, жанговар партия коллективига жипслаштиради. Таъсирчан сўзи ва амалий иши билан уларга ибрат кўрсатади. Тошкент қишлоқ хўжалик машинасозлиги заводида КПСС XXV съездини муносиб кутиб олиш ташаббуси энг аввало қуюв цехининг 4-конвейерида бошланди. Группа ташкилотчиси Юсуф Эшқурбонов бир сменада бир ярим смена топшириғини бажариш ҳаракатини бошлаб берди. У группа коммунистларини ҳам шунга ундади. Ёш, аммо коллективга бош коммунистнинг шахсий ташаббуси коллектив мулкига айланди. Конвейер ва сўнгра бутун цех коммунистлари унга эргашдилар, ундан ибрат олишга ҳаракат қилдилар. Бундай ташаббускор ва актив группа ташкилотчилари ҳар бир корхона, қурилиш, колхоз ва совхозларда ҳам бор.

Партия комитетлари ва партия бюроларининг муҳим вазифаси группа ташкилотчилари бошлаган энг яхши тажриба ва ташаббусларни жорий қилиш, белгиланган тадбирларни амалга ошириш, социалистик мусобақани ташкил этиш, партия ички хўжалигини юритиш, партия қурилиши масалаларини чуқурроқ ўргатиш ҳамда оммавий-сиёсий ва тарбиявий ишларни тўғри йўлга қўйишда уларга ўз вактида амалий ёрдам беришдан иборатдир. Бу соҳада айниқса Фарғона. Навоий, Урганч шаҳарлари ҳамда Тошкент тўқимачилик комбинати, «Тахиатошгидроэнергострой» бошқармаси, Чирчиқ қишлоқ хўжалик машинасозлиг заводи партия ташкилотларида ибратли ишлар қилинмоқда. Тошкент тўқимачилик комбинати партия комитети ҳар ойда бир марта партия группаси ташкилотчиларининг семинарини ўтказиб турибди. Наманган областида ҳам партия группалари ташкилотчиларининг ўқуви яхши ташкил этилган. Партком ва партбюро секретарлари, район партия комитетлари бўлим мудирлари группа ташкилотчилари билан тез-тез учрашиб, партия ички хўжалигини юритиш ва партия қурилиши масалалари, коллектив ўртасида оммавий-сиёсий ва тарбиявий ишларни олиб бориш, социалистик мусобақани ташкил этиш мавзуида суҳбатлар ўтказадилар, тажриба ўргатадилар.

Республикамиздаги барча меҳнат коллективлари КПСС XXV съездини муносиб кутиб олиш учун социалистик мусобақани авж олдирмоқдалар. Ҳар бир партия группаси ўз участкаси ва бригадасида социалистик мусобақанинг жанговар ташкилотчиси, оммаларнинг етакчиси ва сафарбар этувчи кучи бўлмоғи лозим.

ЧЎЛҚУВАРЛАР РАПОРТИ

«Ферганаводстрой» трестининг коллективи беш йиллик топшириғини муддатидан олти ой илгари бажарди. Механизаторлар ва қурувчилар тўрт ярим йил мобайнида 95 миллион сўмлик иш бажардилар. Марказий Фарғонада 19 минг гектар ер ўзлаштирилди. Гидроиншоот қурувчилар фойдаланиб келинган 10,5 минг гектар ернинг мелиоратив ҳолатини яхшиладилар. Шу даврнинг ичида механизмлар ёрдами билан 179 миллион куб метр ер қазилди.

Трест коллективи КПСС XXV съезди шарафига меҳнат вахтасида турибди, йил охиригача яна 12,5 миллион сўмлик иш бажаришга қарор қилди.

1975 — БЕШ ЙИЛЛИКНИНГ ЯКУНЛОВЧИ ЙИЛИ

КПСС XXV СЪЕЗДИ ШАРАФИГА

ОЛИНГАН МАЖБУРИЯТЛАРНИНГ БАЖАРИЛИШИНИ ТЕКШИРАМИЗ!

ДЎСТОНА МАСЛАҲАТЛАР

Мана икки йилдирки, Сирдарё ва Фарғона областларининг дала меҳнаткашлари ўзаро мусобақалашиб келмоқдалар. Беш йиллиқнинг якунловчи йилида Сирдарё областининг дала меҳнаткашлари она-Ватанга 350 минг тонна пахта ва бошқа қишлоқ хўжалик ҳамда чорва маҳсулотлари етказиб беришга аҳд қилишган. Ҳўш, зиммага олинган ана шу юксак мажбуриятларнинг бажарилиши учун қандай иш олиб борилмоқда? Мусобақадош Фарғона областидан келган ўзаро текшириш бригадаси Сирдарё областининг колхоз ва совхозларида атрофлича текшириш ўтказдилар.

Сирдарё области — пахтачиликни комплекс механизациялаш лабораториясига айланиб қолганлиги маълум. Мусобақадошлар кейинги йилларда ана шу муҳим соҳада катта ютуқларга эришилаётганлигидан ғоят мамнун бўлдилар. Областда пахта майдонларининг асосий қисмидаги ғўзалар машинабоп қилиб ўстирилмоқда. Деҳқончилик маданияти юксалмоқда. Буларнинг бари илғор тажрибалар ва илм-фан, агротехника ютуқларидан кенг фойдаланилаётганлигидан далолат бериб турибди.

Бироқ, Гулистон ва Сирдарё районларидаги қатор хўжаликларда, Ворошилов районидаги «Победа» колхози, «Социализм» ва «Гулистон» совхозларида, Оқолтин районидаги «Андижон», «Партия XXIII съезди», Ильич районидаги Гагарин номли, Узоков номли, Волков номли, Ховос районидаги «Фарҳод» совхозларида, Боёвут районидаги Ленин номли, «Коммунизм» колхози ва Руцкий номли совхозларда ғўза парваришидаги қолоқлик анчагина кўзга ташланади. Ана шу хўжаликларда ғўзалар бир текисда ривожланмаётир. Шунга қарамасдан табақалаб суғориш, озиқлантириш ва ишлов бериш яхши йўлга қўйилмаган.

Мусобақадошлар Сирдарё пахтакорларининг бу йилги табиат инжиқликларига қарши мардона кураш олиб бораётганликларини таъкидлаш билан бирга, ғўза парваришини авж олдириш йўлидаги барча имкониятлардан унумли фойдаланилмаётганлигини кўрсатиб ўтдилар. Масалан, бу йил областда ғўза ўтган йилдагига нисбатан 1,2 баравар кам культивация қилинган. Гулистон, Ильич, Оқолтин ва Ховос районларида сувчилар сонини кўпайтириш ўрнига камайтириб юборилаётир. Натижада баъзи майдонлардаги экинлар қўллатиб суғорилмоқда, баъзи майдонлардаги ғўзалар эса чанқатиб қўйилмоқда. Оқолтин районидаги Усмон Юсупов номли, Ильич районидаги Узоков номли, Гагарин номли совхозларда, Сирдарё районидаги «Ленинград», Гулистон районидаги «Красная заря» колхози ва бошқа баъзи хўжаликларда ана шундай фактларга дуч келинди.

Фарғоналик мусобақадошлар Сирдарё области хўжаликларида қишлоқ хўжалик зараркунандаларига қарши талаблар даражасида кураш олиб борилмаётганлигини таъкидладилар. Ҳозир областнинг 16 минг гектар ердаги экинларини ҳашарот босган. Зараркунандалар айниқса Гулистон, Оқолтин, Боёвут, Ильич районларидаги қатор хўжаликларда кенг тарқалмоқда. Агар ҳосил қушандаси бўлмиш ҳашаротларга қарши кураш авж олдириб юборилмаса, ҳунук оқибатларга олиб бориши турган гап.

Текшириш якунлари Сирдарё область партия комитетининг кенгайтирилган бюро мажлисида муҳокама қилинди. Мусобақадошлар томонидан билдирилган дўстона маслаҳатларни амалий ҳал қилишга киришилди.

А. УМАРОВ.
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

Самарқанд ва Бухоро областлари деҳқонлари кўп йиллардан бўён меҳнатда мусобақалашиб келадилар. Меҳнат мусобакаси ҳалқ хўжалигини ривожлантириш, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини кўпайтириш, ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишда йилдан-йилга муҳим аҳамият касб этмоқда.

Яқинда мусобақадош Самарқанд областининг ўзаро текшириш бригадаси Бухоро области қишлоқ хўжалиги меҳнатчиларининг беш йилликнинг якунловчи йилида қабул қилинган социалистик мажбурият шартларини қандай бажараётганликлари билан танишдилар.

Навоий районидаги «Бухоро», «Коммунизм», Олот районидаги Энгельс номли, Калинин номли, Ромитан районидаги Нариманов номли, Карл Маркс номли, Свердлов районидаги Свердлов номли, «Коммунизм» колхозларида, шунингдек, Ғиждувон ва Бухоро райони хўжаликларида ғўза парваришини яхши ташкил қилинган. Бироқ, кўпгина хўжаликларнинг раҳбарлари ғўзалар ривожидаги қолоқликка нуқул сув етишмаслигини сабаб қилиб кўрсатадилар. Аслида эса улар сувчиларнинг иши устидан етарлича контроллик қилмаётирлар.

Ромитан, Шофиркон ва Олот районларининг қатор хўжаликларида сувдан фойдаланиш қонқарсиз аҳволда. Бу районларнинг хўжаликларида ғўзани «шарбат»лаб суғоришга кам эътибор берилмоқда. «Москва» ва Охунбобоев номли колхозларда ғўза қатор ораларини ишлаш сифатсиз ўтказилмоқда. Навоий районидаги «Москва» колхозининг А. Рустамов бошлиқ бригадасида ғўза бегона ўтлар исканжасида қолган. Бундай ачинарли аҳволни 8- ва 9-бригадаларда ҳам кўриш мумкин. Текшириш даврида Бухоро районидаги «Ленин йўли» ва Энгельс номли колхозларда ғўзани бостириб суғориш фактлари учратилди.

Уста сувчиларнинг илғор тажрибаси ҳамма жойда ҳам кенг ёйилятти ва оммалаштирилятти деб бўлмайди. Хўжалик раҳбарлари суғориш устидан назорат қилмай, уни ўз ҳолига ташлаб қўйганлар. Масалан, Ғиждувон районида сувдан фойдаланиш коэффициенти 81 процентни ташкил қилади. Бу ерда ҳар куни графикдаги 733 ўрнига 658 гектар майдон суғорилмоқда.

Мусобақадошлар область хўжаликларида ғалла ўрим-йиғими, сабзавот ва чорвачилик маҳсулотлари тайёрлаш, ем-хашак жамғариш ишлари билан ҳам қизиқдилар. Олот, Ғиждувон, Навоий районларида маккаўхоричиликка панжа орасидан қаралаётганлиги, Конимех, Қизилтепа ва бошқа айрим районларда чорва моллари учун дағал хашак тайёрлаш, чорвачилик фермаларини механизациялаштириш қониқарсиз эканлиги қаттиқ танқид остига олинди.

Узаро текшириш якуни Бухоро область партия комитетининг кенгайтирилган бюро мажлисида атрофлича муҳокама қилинди ва конкрет тадбирлар белгиланди.

Ҳ. ҚОДИРОВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

МУДДАТИДАН ИЛГАРИ

Ўзбекистон ССР Бинокорлик материаллари саноати министрлигига қарашли корхоналарнинг коллективлари беш йиллик топшириқларини ошириб бажариш учун мусобақани қизитиб, маҳсулот реализация қилиш етти ойлик топшириғини 24 июлда бажардилар. Улар пландан ташқари 4,5 миллион сўмлик маҳсулот реализация қилишга қарор қилдилар.

* * *

Самарқанд область саноат корхоналарининг коллективлари маҳсулот реализация қилиш юзасидан белгиланган етти ойлик топшириғини муддатидан илгари бажардилар. Пландан ташқари йигирма миллион сўмликдан знёд маҳсулот реализация қилинади.

* * *

Нукусдаги бинокорлик материаллари ва конструкциялари колхозлараро комбинатидаги ёғоч-созлик заводининг биринчи навбати муддатидан икки ой илгари дастлабки маҳсулотни ишлаб чиқарди. Йилига 50 минг квадрат метр дурадгорлик маҳсулотлари ишлаб чиқара оладиган бу корхонани келгуси йил охирида қуриб битказиш мўлжалланган эди.

* * *

Товар маҳсулотини реализация қилиш ва энг муҳим буюмларнинг нўпчилигини ишлаб чиқариш етти ойлик плани бажарилди! Қорақалпоғистон АССР саноати ходимларидан ана шундай рапорт олинди. Автоном республика саноати топшириқдан ташқари ўн икки миллион сўмлик маҳсулот реализация қилади.

* * *

Ўзбекистон балиқ саноати корхоналарининг балиқчилари, ишчилари, инженер-техник ходимлари колхозчи балиқчилари КПСС XXIV съезди қарорларини амалга ошира бориб, маҳсулотни реализация қилиш етти ойлик программасини 24 июлда бажардилар. Планга қўшимча равишда 600 минг сўмлик маҳсулот реализация қилиш мўлжаллаб қўйилди.

(ЎзТАГ).

КОСМОСНИ ТАДҚИҚ ҚИЛИШГА ҚЎШИЛГАН МУҲИМ ҲИССА

«СОЮЗ — АПОЛЛОН» ПРОГРАММАСИ СОВЕТ ҚИСМИНИНГ ТУГАЛЛАНИШИГА БАҒИШЛАНГАН МАТБУОТ КОНФЕРЕНЦИЯСИ

Совет фани ва техникаси космик фазони типч мақсадларда ўзлаштириш ишига жуда катта ҳисса қўшмоқда. Биргаликда ўтказилган «Союз—Аполлон» Совет — Америка улуғвор эксперименти буни яна бир бор тасдиқлади. 24 июль куни Москвада бўлиб ўтган матбуот конференцияси ЭПАС программаси совет қисмининг муваффақиятли тугалланишига бағишланди.

«Союз-19» кемасининг экипажи А. А. Леонов ва В. Н. Кубасов совет олимлари, конструкторлари билан учрашмоқ учун совет ва чет эл матбуоти, киноси, радиоси ва телевидениесининг жуда кўп намояндалари «Союз — Аполлон» космик программасини ёритувчи халқаро матбуот марказига тўпландилар. Улар космос қаҳрамонларини ва мутахассисларини қизғин қарсаклар билан табрикладилар. Бу ерда НАСА директорининг шахсий вакили В. Шапли ҳам ҳозир бўлган.

Матбуот конференциясини матбуот марказининг раҳбари, СССР Ташқи ишлар министрлиги матбуот бўлимининг мудири В. Н. Софинский очди.

СССР Фанлар академияси президенти вазифасини ижро этувчи академик В. А. Котельниковга сўз берилади.

У топшириқчи ажойиб тарзда бажариб, жонажон ерга эсон-омон қайтиб тушганликлари билан Алексей Архипович Леоновни ва Валерий Николаевич Кубасовни СССР Фанлар академияси номидан самимий қутлади.

Биз, деди академик, «Союз» ва «Аполлон» кемалари парвозининг биргаликдаги қисми ҳамда ЭПАС лойиҳасига мувофиқ «Союз-19» кемасининг мустақил парвози ниҳоясига етганлигини чуқур мамнуният билан нишонламоқдамиз. Бир мунча вақтдан кейин «Аполлон» кемасининг парвози ҳам шундай муваффақиятли тугашининг гувоҳи бўлишимизга аминман. Биз «Аполлон» экипажига энг дўстона салом сўзларини йўллаймиз.

Биргаликда қилинган парвоз, деб давом этди олим, матбуотда, олимлар ва инженерлар томонидан ҳали узоқ вақт муҳокама қилинади. Олинган натижаларни анализ қилиш соҳасида ҳали кўп ишлар қилиниши керак. Бироқ ҳозирнинг ўзидаёқ баъзи хулосаларни чиқариш мумкин. Кемаларнинг муваффақиятли равишда туташганлиги ва космонавтларнинг бир-бирининг кемасига ўтиши Совет ва Америка олимлари ҳамда конструкторлари томонидан ижодий ҳамдўстликда ишлаб чиқилган

(Давоми иккинчи бетда).

Совет космонавтлари А. А. Леонов ва В. Н. Кубасов 23 июль куни Звёздний шаҳарчасида шоду хуррамлик билан кутиб олиндилар. Суратда: «Союз-19» экипажини кутиб олиш.

«САЛЮТ-4»: КОСМОСДА ИККИ ОЙ

УЧИШНИ БОШҚАРИШ МАРКАЗИ, 24 июль. (ТАСС). «Салют-4» орбитал илмий станциясининг иккинчи экипажи — Петр Климук билан Виталий Севастьянов орбитада икки ойдан бери ишлашмоқда. Уларнинг навбатдаги иш куни бугун Москва вақти билан соат 11 да бошланди. Космонавтлар станцияни автоматик режимда учишга тайёрлаш операцияларини давом эттирдилар.

Ўтган иш куни давомида космонавтлар учишнинг илмий программасини бажариб бўлдилар. Улар комплекс аппаратлар ёрдамида фан ва халқ хўжалиги манфаатлари йўлида ер юзини ва атмосферасини тадқиқ этдилар. Поволжье, Қозоғистон ва Ўрта Осиё районлари устида фотосъёмка ва спектрография ишлари бажарилди.

П. И. Климук билан В. И. Севастьянов ўзларини яхши ҳис этмоқдалар. Дам олаётган пайтда командирнинг томири минутига 68, борт инженерники 64 марта уриб турибди, командирнинг қон босими симоб устунининг 120/60 ва борт инженерники 115/60 миллиметрини кўрсатиб турибди.

«Салют-4» станцияси ичидаги системалар нормал ишламоқда.

УЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ ФАРМОНИ

Б. А. НОВИЦКИЙНИ ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ ФАХРИЙ ЕРЛИҒИ БИЛАН МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Республика партия органларидаги кўп йиллик, самарали иши учун ва туғилган кунига эллик йил тўлиши муносабати билан Ўзбекистон Компартияси Хоразм область комитетининг иккинчи секретари Борис Анатольевич Новицкий Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фахрий ёрлиғи билан мукофотлансин.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси
Н. МАТЧОНОВ.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Секретари
Ҳ. ПЎЛАТОВА.

Тошкент шаҳри,
1975 йил, 24 июль

КОСМОСНИ ТАДҚИҚ ҚИЛИШГА ҚЎШИЛГАН МУҲИМ ҲИССА

(Бошы биринчи бетда).

ва амалга оширилган техникавий ечимларнинг тўғрилигини тасдиқлади. Биргаликдаги эксперимент-лар комплекси, шунингдек «Союз-19» кемасининг мустақил парвози вақтида ўтказилиши режалаштирилган тадқиқотлар тўла-тўкис бажарилди. Бу тадқиқотлар фанни янада ривожлантириш учун катта аҳамиятга эга бўлган астрофизик, геофизик, медицина-биологик ва технологик экспериментлар ҳамда тадқиқотларни ўз ичига олган эди.

Ана шу биргаликдаги лойиҳани тайёрлаш ва ўтказиш вақтида Совет ва Америка томонлари ортирган тажриба учувчи бошқарадиган халқаро космик парвозларни ва космик фазони биргаликда илмий тадқиқ қилиш ишларини ривожлантириш учун яхши негиз бўлиб хизмат қилади.

Бизнинг мамлакатимиз, деди сўнгра В. А. Котельников, космосни ўрганиш ва ўзлаштиришда социалистик ҳамдўстлик мамлакатлари, Ҳиндистон, Франция ва бошқа давлатлар билан халқаро ҳамкорликнинг кенг программаларини амалга оширмоқда. Ҳозирги вақтда халқаро вазиятнинг ялпи соғломлашганлиги ва умуман Совет — Америка муносабатларининг яхшиланганлиги космосни ўзлаштиришда Совет — Америка ҳамкорлигини ривожлантиришга, ЭПАС сингари мураккаб ва кенг миқёсдаги лойиҳанинг вужудга келиши ва бажарилишига ёрдам берди.

Маълумки, космосда одам учиш хавфсизлигини ошириш ва биргалашиб космик тадқиқотлар ўтказиш имкониятини кенгайтиришни мақсад қилиб қўйган ушбу лойиҳанинг муҳокама этилиши даставвал иккала мамлакат мутахассислари доирасида, кейинчалик СССР Фанлар академияси билан НАСА делегациялари ўртасида ўтди. Бу делегацияларга совет томонидан академик М. В. Келдиш ва Америка томонидан доктор Ж. Лоу бошчилик қилдилар. Шу муҳокамалар 1972 йилнинг майида юксак даражада ўтган Совет — Америка учрашуви чоғида космик фазони тадқиқ этиш ва ундан фойдаланишда ҳамкорлик қилиш тўғрисида давлатлараро битим имзоланиши учун замин тайёрлади. ЭПАС лойиҳаси шу битимнинг марказий банди эди.

«Союз — Аполлон» лойиҳаси бўйича учишнинг амалга оширилиши бизнинг мамлакатимизда, шунингдек, Америка Қўшма Штатларида кўп минг кишиларнинг меҳнатига якун ясайди. Ер юзидаги кишилар одам бошқарадиган биринчи халқаро космик парвозни зўр эътибор билан кузатиб бордилар

Бу учиш тарихга космосни бутун инсоннятнинг манфаатларини кузлаб тинчлик мақсадларида тадқиқ этилишига муҳим ҳисса бўлиб киришига шубҳа йўқ, деди пировардида академик. ЭПАС лойиҳасининг илмий-техникавий аҳамияти жуда катта. Совет ва Америка космик кемаларининг биргалашиб учиши мамлакатларимиз ва халқларимиз ўртасидаги муносабатларда бўлган тараққиётни кўрсатади, тинч-тотув яшаш сиёсатининг муваффақиятларини акс эттиради ҳамда халқаро вазият янада яхшиланишига ва ўзаро манфаатли алоқалар мустаҳкамланишига ёрдам беради. Бу учиш яхши ниятли ҳамма кишиларнинг, ҳамма халқларнинг манфаатларига мос келади.

В. А. Котельников шавкатли космонавтларга янги-янги катта муваффақият ва ижодий ютуқлар тилади.

Сўнгра «Союз—Аполлон» лойиҳасининг совет томонидан директори профессор К. Д. Бушуев нутқ сўзлади.

Биз ҳаммамиз ошиқиб кутган воқеа рўёбга чиқди, — деди у. Совет — Америка якто космик эксперименти муваффақиятли тугади, шу эксперимент чоғида Ер атрофи орбитасидаги бутун космик парвозлар тарихида биринчи марта ичига халқаро экипаж тушган икки мамлакатнинг учаштирилган кемаларидан иборат космик система яратилди ва у икки сутка мобайнида ишлаб турди.

«Союз» ҳамда «Аполлон» совет ва Америка кемаларининг учрашуви космосда рўй берди, лекин унинг ҳақиқий маъноси бу ерда, ердадир. Жаҳон жамоатчилиги, турли мамлакатларнинг таниқли сиёсий арбоблари Совет — Америка «Союз—Аполлон» қўшма экспериментига космик фазони тадқиқ этишда янги давр очувчи, Совет—Америка муносабатларини ва бутун халқаро иқлимни яхшилашга муҳим ҳисса қўшувчи ҳақиқий тарихий воқеа деб қарамоқдалар.

Мана шу ишнинг қатнашчилари Коммунистик партия ва Совет ҳукуматининг «Союз-19» учиши муваффақиятли тугаганлиги муносабати билан шу учишни тайёрлаш ва амалга оширишда қатнашган ҳамма кишиларга юборган табрикномасини зўр ҳаяжонга тушиб, чуқур миннатдорчилик билан қабул қилдилар.

«Союз—Аполлон» экспериментал парвозининг якунларини тўла-тўкис баҳоламоқ учун вақт керак бўлади, деб давом қилди К. Д. Бушуев. Аммо ҳозироқ комил ишонч билан айтиш мумкинки, биргалашиб учиш программаси ва унинг асосий вазифалари тамомила бажарилди. «Союз» ва «Аполлон» экипажлари, СССР ва АҚШ учишни бошқариш марказларининг ходимлари, Совет ва Америка инженерлари, олимлари, техниклари, ишчилари ўз олдиларига қўйилган вазифаларни қойил қилиб бажо келтирдилар.

Совет ва Америка космонавтлари, олимлари, инженерлари, техниклари, ишчилари Ерда ҳормай-толмай тер тўкиб меҳнат қилдилар, космосда биргалашиб тадқиқот ўтказиш ва ундан фойдаланиш шароитларини таъминлайдиган ҳамкорлик техникавий имкониятларини вужудга келтирмоқ учун билимлари, орттирган тажрибалари, идеяларини ўртоқлашдилар. Олдинга қўйилган мақсад йўлида катта ва мураккаб илмий, техникавий ва оддий инсоний проблемалар ҳал этилди ва ҳамкорлик қилиш учун самимий интилиш энг қийин ғовларни ҳам енгиб ўтишга қодир эканлиги исбот қилинди. Битим имзоланган пайтдан бошлаб бирмунча қисқа муддат ичида СССР ва АҚШ мутахассислари ишчи группаларининг кўп учрашувлари бўлди, биргалашиб хилма-хил синов ва машқлар ўтказилди, шу синов ва машқлар чоғида «Союз» ва «Аполлон» космик кемаларини бир-бирига яқинлаштириш ва туташтириш ҳамда биргалашиб учишини тайёрлаш қўшма воситаларини яратиш борасида жуда кўп ташкилий ва техникавий масалалар ҳал этилди.

Шу даврда учиш вазифалари, учишга қўйилган талаб ва учиш программаси аниқлаб олинди; андрогин-периферияви типдаги принципиал янги туташтирувчи система ишлаб чиқилди, у шу типдаги ҳар қандай система билан туташтиришга имкон берадиган бўлди; экипаж аъзоларининг атмосфераси турлича бўлган бир кемадан иккинчи кемага ўтишида ишлатиладиган ўзига хос шлюз камера — туташтириш бўлмаси ишлаб чиқилди; экипажларнинг ҳаёт фаолияти учун мос шароитлар таъминлаш ҳамда бир кемадан иккинчи кемага ўтиш воситалари учун «Союз» кемасининг ҳаёт таъминот системаси қайтадан ишлаб чиқилди; кема билан кема ўртасида, кема билан Ер ўртасида алоқа ташкил этилди ва зарур воситалар яратилди; кемаларни бошқариш системаларининг иши бир-бирига мос келиши таъминланди; СССР билан АҚШ бошқариш марказлари ўртасида учишни бошқариш ва ҳамкорлик ташкил этилиб, пишиқтирилди; «Союз» ва «Аполлон» кемаларининг экипажлари билан учишни бошқариш ходимларини биргалашиб тайёрлаш ишлари ўтказилди.

Мен, деди сўнгра К. Д. Бушуев, совет космонавтлари ва Америка астронавтлари — Алексей Леонов, Валерий Кубасов, Томас Стаффорд, Вэнс Бранд, Дональд Слейтон ишни қойил қилиб бажарганликларини айтишни истардим. Биз ҳаммамиз уларнинг мардлиги ва маҳоратига қойил қолдик, уларга таҳсинларимизни изҳор этамиз.

Совет ва Америка учишни бошқариш марказлари жуда яхши ишлагандикларини ҳам айтмай бўлмайди, улар бутун учишни бошқариш жараёнини беками — кўст бажариб турдилар. Марказлар уюшқоқлик билан аниқ ишлади, учишнинг ҳамма босқичларида бахамжиҳатлик кўрсатди.

Орттирилган ҳамкорлик тажрибаси ва топилган ташкилий формалар, деб таъкидлади пировардида К. Д. Бушуев, космик фазони тинчлик мақсадларида тадқиқ этиш ва ундан фойдаланишда Совет ва Америка мутахассислари ўртасида амалий алоқаларни янада ривожлантириш учун яхши негиз яратади.

Космонавтларни тайёрлаш раҳбари авиация генерал-лейтенанти В. А. Шаталовга сўз берилади.

«Союз-19» кемаси мустақил учадиган участкада, шунингдек биргаликдаги фаолият даврида бутун программа ЭПАС лойиҳасига биноан аниқ ўз вақтида бажарилди. «Союз-19» кемасининг экипажи дадил, аниқ ишлаб, юксак профессионал тайёргарлик кўрганлигини, техникани яхши билганлиги ва зўр маҳорат кўрсатганлигини айтишдан айниқса хурсандман. Бу нарса кемани, илмий экспериментлар ўтказиш чоғида унинг системаларини бошқаришда ҳам намоён бўлди. Инсоният тарихида биринчи халқаро учишни тайёрлашда қатнашганларнинг ҳам муваффақиятдаги роли оз эмас.

Матбуот конференциясида, деб давом қилди В. А. Шаталов, «Союз-19»нинг иккинчи экипажи, Алексей Леонов билан Валерий Кубасовнинг дублерлари — А. В. Филипченко билан Н. Н. Рукавишников ҳам қатнашмоқдалар. У «Союз» ва «Аполлон» кемаларининг орбитадаги учрашуви олдидан «бош репетиция» ўтказишга катта ҳисса қўшганликлари учун уларга миннатдорчилик билдирди.

Нотиқ Ю. А. Гагарин номли космонавтлар тайёрлаш маркази билан Хьюстондаги қўшма машқлар программаси ўзини тўла оқлагандигини таъкидлади. Бу нарса космик техникани яхши ўрганишга ва мустаҳкам малака ҳосил қилишга имкон берди. Космонавтларни тайёрлаш мақбул муддатлари ҳам ўзини оқлади. Бу муддатлар икки томоннинг космик техникани яхши ўзлаштириб олишига ва бир маҳалда тил ўрганиб боришига имкон берди.

Совет ва Америка мутахассисларининг биргаликдаги иш тажрибалари ният холис бўлса халқаро кескинликни юмшатиш шароитларида ҳар қандай мураккаб проблемалар, шу жумладан, космик фазони барча кишиларнинг манфаатлари йўлида ўзлаштириш ишидаги ҳар қандай мураккаб проблемалар ҳал этилиши мумкин, деб умид қилишга имкон беради.

«Союз—Аполлон»нинг тарихда биринчи халқаро парвозини тайёрлаш ва ўтказиш вақтида бизнинг мамлакатимизда «Салют-4» станциясининг узоқ вақт учишини ўз ичига олувчи миллий программага эътибор берилаверди. Ҳозирда ҳам космосда «Салют-4» орбитал илмий станциясининг экипажи — Петр Климук билан Виталий Севастьянов ишлаб туришибди. Икки мураккаб космик программанинг бир вақтда муваффақиятли амалга оширилиши замонавий космик кемаларни яратишга, уларни космос сари кўтариш ва мураккаб космик комплексларни бемалол бошқаришга қодир совет космонавтикасининг етуклигидан далолат беради.

«Союз-19» экипажининг командири икки марта Совет Иттифоқи Қаҳрамони, авиация генерал-майори А. А. Леонов матбуот конференциясида русча ва инглизча гапираверди.

Совет — Америка биргаликдаги парвозининг совет қисми тамомила бажарилди ва муваффақиятли чиқди, деди у. Учиш мобайнида биз яқинлашиш, туташтириш, бир кемадан иккинчи кемага ўтиш, кемаларни бир-биридан ажратиш ишларини, илмий экспериментларни бажардик. Шу операцияларнинг ҳаммаси дўстимиз Томас Стаффорд айтмоқчи «арчилган тухумдек» силлиқ чиқди.

Биринчи халқаро экипажнинг аъзолари сифатида Валерий Кубасов ва мен «Аполлон» космик кемасининг экипажи программани муваффақиятли битириб, юмшоқ қўнишини тилаймиз. Америкалик астронавтлар Ерга қайтиб тушишгач тез орада улар билан учрашиш умидидамиз.

А. А. Леонов ЭПАС программасини ҳамда «Союз-19» кемасининг учишини ёритиб боришда катта иш қилганликлари учун барча матбуот вакилларига миннатдорчилик айтди.

22 июль куни мамлакатимизнинг матбуотида, деб давом қилди космонавт, партия ва ҳукумат раҳбарларининг «Союз — Аполлон» программаси бўйича «Союз-19» кемасининг учишини тайёрлаган ва бу ишни амалга оширганларнинг ҳаммасига табрикнома си эълон қилинди. Шу табрикномаанинг ҳамма сўзлари биз учун жуда қадрли. Шулар орасида бизнинг меҳнатимизга берилган баҳо айниқса қадрли. Табрикномада экипаж Ватан топшириғини беками-кўст бажарганлиги айтилади. Бизнинг ишимизга жуда катта баҳо берилибди! Лекин бунда хизмат фақат биз томондагина бўлиб қолгани йўқ. Бутун — «Ер — космик кема борти» комплекси беками-кўст ишлади. Бу нарса Ерда ва космик кемада бўлган кишилар ўртасида тўла ҳамжиҳатлик бўлганлигини билдиради.

А. В. Филипченко билан Н. Н. Рукавишниковдан иборат составдаги экипажнинг космик парвози билан «Союз — Аполлон» программаси амалга оширила бошлади, деди А. А. Леонов. Улар ўз ишларини беками-кўст бажардилар. Шунинг учун ҳам бизнинг меҳнатимизга берилган юксак баҳо уларга ҳам тўла йўсинда тааллуқлидир.

«Союз-19»нинг борт инженери, техника фанлари кандидати, икки марта Совет Иттифоқи Қаҳрамони В. Н. Кубасов матбуот конференцияси қатнашчиларига бундай деди:

Сиз билан 18 июлда космосдан ўтказилган матбуот конференцияси чоғида сиртдан учрашгандик. Шу учрашувдан кейин учиш билан уч кун ўтди ва биз шу уч кун мобайнида каттагина иш қилиб қўйдик.

Космонавт «зона ҳосил қилувчи замбуруғлар» (космик учиш омилларининг биологик ритмга таъсирини ўрганиш), «микроб алмашиш» (бир кемадан иккинчи кемага ўтиш чоғида экипаж аъзолари ўртасидаги мулоқатда микрофлорани таққослаш), «сунъий Қуёш тутилиши» (Қуёш тожини тадқиқ этиш), «ультра бинафшавий ютилиш» (атмосферанинг юқори табақаларида атомар кислород концентрациясини ўлчаш) ва ниҳоят «универсал печь» (вазнсизлик шароитининг металл ва нимўтказгич материал эриши ҳамда кристалланишига таъсирини тадқиқ этиш) тадқиқотларидан иборат илмий программани эслатди.

Борт инженер учиш программасининг энг муҳим қисми — туташтириш тўғрисида гапириб, бу иш «Союз-19» кемасидаги туташтириш узели пассив ҳолатда, шунингдек актив ҳолатда бўлганида ҳам беками-кўст ўтганлигини таъкидлади. Аммо иккинчи бор туташиш пайтида кема бирмунча чайқалди. Шу чайқалишни сиз телевидение орқали яхши кўриб турдингиз, — деди В. Н. Кубасов. Лекин у иккала кеманинг туташтириш узелларига ҳеч бир хавф-хатар солгани йўқ.

В. Н. Кубасов «ультра бинафшавий ютилиш» экспериментини ўтказиш пайтида чиққан қийинчиликларни журналистларга гапириб берди. У космонавт тадқиқотчиларимиз америкалик ҳамкасблари билан фикрлашиб олиб, экспериментни ўтказиш методикасига ўзларича баъзи ўзгаришлар киритганликларини маълум қилди.

«Сунъий Қуёш тутилиши» эксперименти ҳайратда қолдирадиган бўлиб чиқди, — деб давом қилди космонавт. Шу эксперимент чоғида «Аполлон» кемаси Қуёшни тўсиб туриши, биз бўлсак уни суратга олишимиз лозим эди. Ниҳоят, «Аполлон» биздан нари кета бошланганида гоят кўркам Қуёш тожи манзарасини кўрдик. Космонавт шу янги ва қийин эксперимент чоғида баъзи халақитлар бўлганлигини айтди. Лекин биз умуман эксперимент муваффақиятли бажарилди ва у қизиқ-қизиқ маълумотлар беради, деган умиддамиз, деди у.

В. Н. Кубасов халқлар ўртасидаги муносабатларни яхшилашга, бутун дунёда тинчликни мустаҳкамлашга ёрдам берувчи Совет—Америка қўшма парвозини актив ёритиб борганликлари учун ҳамма журналистларга ташаккур айтди.

Матбуот конференциясида академик В. А. Котельников номига НАСА директори Ж. Флетчер билан НАСА директорининг ўринбосари Ж. Лоудан келган телеграмма ўқиб эшитирилди. Телеграммада бундай дейилади: «Союз» экипажининг Ерга эсон-омон қайтиб тушганлиги ва шу учишда биргаликдаги фаолиятимиз муваффақиятли тугаганлиги муносабати билан энг самимий табрикларимизни қабул қилгайсиз. Космонавтлар Леонов ва Кубасовга, профессор Бушуевга ва ЭПАС лойиҳаси қатнашчиларининг бутун коллективига уларнинг ишидан қойил қолганлигимизни ва уларга энг яхши истакларимизни марҳамат қилиб топиришингизни сўраймиз. Уларнинг фаолияти лойиҳани бутун амалга ошириш мобайнида эътиборга сазовор бўлди».

«Союз-19» парвози муваффақиятли чиқиши муносабати билан матбуот марказига халқаро электрик алоқа союзидан, МХР Фанлар академиясидан, БХР Фанлар академиясидан, ВХР космосни тадқиқ этиш комитетидан, Франция космик тадқиқотлар миллий марказининг президенти М. Левидан, Европа космик агентлигининг бош директори Гибсондан, ГФР илмий-тадқиқотлар ва технология федерал министри Матт Хофердан, Америка миллий география жамиятидан, Совет Иттифоқининг кўпгина коллективлари ва айрим граждандардан ҳам табрик телеграммалари келганлиги маълум қилинди.

* * *

Сўнгра космонавтлар ва олимлар журналистларнинг берган кўпдан-кўп саволларига жавоб қайтардилар.

Матбуот конференцияси Марказий телевидение орқали кўрсатилди ва Хьюстонга ҳам юборилиб турди.

(ТАСС).

ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ОБЗОРИ

Молларни тўқ тутадиган озуқа мўл-кўл бўлсин

Ўтган ҳафта ичида бедани ўриб олиш ва озуқа жамғариш суръатлари ўсди, 59,8 минг гектар майдондаги беда ўриб олинди, 96,5 минг тонна — 7,4 процент пичан тайёрлаб қўйилди, 74,1 минг тонна сенаж бостирилиб, план 4,1 процент бўлди. Ўзбекистон ССР Марказий статистика бошқармасининг 21 июлга берган маълумотларига қараганда, республикада жами дағал ҳашак тайёрлаш плани (сенаж ҳам шу ҳисобга киради) 63,1 процент бажарилди. 1974 йилнинг шу санасига пичан, сенаж, витамин талқони кўп тайёрланди.

Андижон областининг колхозлари билан совхозлари озуқа тайёрлашни муваффақиятли олиб бормоқдалар, дағал ҳашак тайёрлаш плани 105,3 процент бажарилди. Кейинги бир ҳафта мобайнида ўсиш 15,7 минг тоннани ташкил этди. Сурхондарё областида ем-хашак тайёрлаш суръатлари ортди — ўсиш аввалги ҳафтадаги 13,3 минг тонна ўрнига 34,5 минг тоннани ташкил этди.

Лекин кўпгина областларда ва районларда имкониятлар қўлдан бой бериб қўйилмоқда, вақт ўтиб кетяпти, озуқа тайёлаш суръатлари эса, кейинда қолмоқда. Агар маълумотга қаралса бир-бирига зид бўлган аҳвол кўзга ташланади. Қорақалпоғистон АССР колхозлари ва совхозларида дағал ҳашак тайёрлаш плани бори-йўғи 33,1 процент, Хоразм областидаги хўжаликларда — 44,4 процент, Фарғона областида — 44,7 процент, Самарқанд областида — 54 процент, Жиззах областида 60,7 процент, Наманган областидаги хўжаликларда 61,4 процент бажарилди. Самарқанд областининг колхозлари ва совхозлари 570 минг тонна дағал ҳашак тайёрлаш мажбуриятини олиб, шундан фақат 304,7 минг тоннасини тайёрладилар. Июль ойининг уч ҳафтаси мобайнида ўсиш бор йўғи 13,3 минг тоннани ташкил этди — ҳар ҳафтада 4,4 минг тоннадан озуқа тайёрланди, ваҳолонки тағин 265 минг тонна озуқа тайёрлаш зарур. Бундай қолоқликка механизаторларнинг меҳнати бўш ташкил этилганлиги, озуқа жамғариш учун бор бўлган имкониятларнинг ҳаммасини сафарбар этишдаги камчиликлар сабаб бўлмоқда. Наманган областида дағал ҳашак ўтган йилнинг шу санасига нисбатан 20,9 минг тонна, Хоразм областида — 30,6 минг тонна, Фарғона областида — 8,7 минг тонна, Тошкент областида 21 минг тонна, Сирдарё областида 3,6 минг тонна кам тайёрланганлиги ташвиш туғдирмоқда.

Нукус, Мўйноқ, Бируний, Тўрткўл, Кегайли, Чимбой, Тахтакўпир, Хўжаобод, Ленин, Қўрғонтепа, Ғиждувон, Навоий, Томди, Конимех, Ғаллаорол, Бахмал, Зомин, Пахтакор, Ғузор, Деҳқонобод, Нишон, Қамаши, Косон, Чуст, Тўрақўрғон, Косонсой, Наманган, Уйчи, Нарпай, Каттақўрғон Нурота, Пахтачи, Самарқанд, Ургут, Бойсун, Гагарин, Жарқўрғон, Шерабод, Гулистон, Ховос, Ворошилов, Боёвут, Оржоникидзе, Пискент, Бўстонлиқ, Юқори Чирчиқ, Оҳангарон, Киров, Олтиариқ, Бағдод, Ўзбекистон, Охунбобоев, Фарғона, Риштон, Қўшқўпир, Гурлан, Урганч, Хонқа, Хива районларида озуқа тайёрлашда айниқса кечикишга йўл қўйилмоқда. Ана шу районлардан кўпларида дағал ҳашак тайёрлаш плани энди 20—30 процентгина бажарилди. Қолоқликни тугатиш учун шошилинч тадбирларни кўриш, барча резервлардан фойдаланиш, зарур бўлган миқдорда пичан, сенаж ва чорва молларини тўқ тутадиган бошқа озуқаларни тайёрлаб қўйиш зарур. Маҳаллий органлар ҳар бир колхозда ва совхозда озуқа жамғаришнинг боришини тезда қараб чиқиб аҳволни кескин даражада тузатишлари керак. Бунинг учун эса имкониятлар бор; бедани тағин 2-3 марта ўриб олиш мумкин, ем-ҳашак тайёрловчи бригадаларни кишилар билан тўлдириш ва дағал поялари ҳашакларни (янтоқ, қамиш ва бошқалар) тайёрлаш соҳасидаги ишни авж олдириб юбориш, ўрим-йиғим техникасидан самарали, юқори унумли фойдаланиш керак.

Сенаж тайёрлашга алоҳида эътибор бериш зарур. Камида 1 миллион 840 минг тонна ёки ҳар бир сигирга 5 тоннадан сенаж бостириш вазифаси қўйилган. Республикада бу қимматли озуқадан 1 миллион 345 минг тонна — ўтган йилдагидан 79 минг тонна кўп бостириб қўйилди. Планни 113 процент бажарган Қашқадарё области хўжаликларида сенаж бостириш иши муваффақиятли бормоқда. Сенаж бостириш плани Андижон областида 99 процент ва Сурхондарё областида 93 процент бажарилди. Лекин бу муҳим иш Қорақалпоғистон АССРда орқада қолмоқда. Бу ерда сенаж тайёрлаш юзасидан олинган мажбурият бор-йўғи 24 процент бажарилди. Жиззах, Фарғона, Хоразм, Наманган, Самарқанд областларида сенаж запасларини барпо этишга кам эътибор берилмоқда, сенаж тайёрлаш планлари фақат 45-63 процент бажарилди ва ўтган йилдагига нисбатан кам сенаж бостирилди.

Республикадаги кўпгина хўжаликларда дон ва силос бостириш учун экилган маккажўхорини парвариш қилиш яхши ташкил этилган, маккажўхори кўк поясидан мўл ҳосил етиштирилди ва силос бостиришга киришилди. Эндиги вазифа етиштирилган маккажўхори ҳосилини ўз вақтида қисқа муддатларда йиғиштириб олишдан ва бу йил камида 3,6 миллион тонна силос бостиришдан иборатдир. Наманган ва Хоразм областларидан ташқари барча областларда ва Қорақалпоғистон АССРда силос бостиришга киришилди. Ҳозир қўлда бор бўлган барча механизмлардан самарали фойдаланиш учун ҳамма ишни қилиш керак, талаб этилган миқдорда силос бостирадиган жойни тайёрлаб қўйиш, силос бостириш юзасидан барча ишларни юксак даражада уюшқоқлик билан ўтказиш зарур.

Кўпчилик областларда витаминли ўт талқони ишлаб чиқариш қониқарсиз бормоқда. Қорақалпоғистон АССРда витаминли ўт талқони ишлаб чиқариш плани бори-йўғи 4,8 процент, Жиззах областида 5,9 процент, Хоразм областида 9,1 процент, Бухоро областида 12,3 процент, Наманган областида 16,3 процент бажарилди. Донадор озуқа ишлаб чиқариш техникасидан қониқарсиз фойдаланилмоқда. Ана шу ва бошқа бир қанча областларда АВМ ва ОГМ агрегатларининг анчагина қисми бекор турибди. Ҳар бир агрегатнинг аҳволини дарҳол аниқлаб чиқиш, барча механизмларни ишга тушириш, уларнинг икки сменада ва юқори унумли ишлашига эришиш керак. 130 минг тонна витамин талқони ва 90 минг тонна донадор озуқа ишлаб чиқариш юзасидан олинган мажбурият сўзсиз бажарилиши зарур. Шуни унутмаслик керакки, етишмаган омихта ем ўрнида витамин талқонидан фойдаланилади.

Вақт оз қоляпти. Қишга етарли озуқа ғамлаб қўйиш учун аҳволни тузатиш, ишни жадаллаштириш керак. Бу ишни асосан август ойида тамомлаш, озуқани қишлов жойларига ташиб келтириш, ем-хашакни яхшилаб ҳисобга олинишини ва пухта асралишини уюштириш керак. Шу нарса ғоят муҳимки, ҳар бир килограмм озуқа юксак самара бердиган даражада фойдаланилсин, озуқанинг фойдали иш коэффициенти тобора оширилсин. Бунинг маъноси шуки, озуқа цехларининг ва ем-хашак тайёрланадиган цехларнинг узлуксиз ишлаб туриши таъминлансин. Ҳашакни майдалаб берадиган механизмларнинг ҳаммаси тўхтовсиз ишлаб турсин. Чоова моларига ем-хашакни тахт қилиб, тайёр қилиб берайлик.

Маҳаллий партия ташкилотлари, совет ва қишлоқ хўжалиги органлари ҳар бир хўжаликда озуқа ишлаб чиқариш ва тайёрлашнинг аҳволи билан батафсил танишиб чиқишлари, фермаларда юқори сифатли ем-хашакларни яхшилаб ғамлаб қўйишлари, чорва қишловига пухта тайёргарлик кўришлари зарур.

Ўзбекистон ССР колхозлари ва совхозларида 1975 йил 21 июлгача озуқа тайёрлашнинг бажарилиши тўғрисида маълумот

(биринчи устун — областлар, иккинчи устун — тайёрланган дағал ҳашак, учинчи устун — беда пичани, тўртинчи устун — сенаж, бешинчи устун — витаминли ўт талқони). **(процент ҳисобида)**

Андижон	105,3	149,3	98,8	49,8
Бухоро	63,3	42,5	83,3	12,3
Жиззах	60,7	99,5	45,5	5,9
Қашқадарё	70,2	41,2	113,2	28,3
Наманган	61,4	77,5	56,8	16,3
Самарқанд	54,0	60,3	63,0	25,6
Сурхондарё	80,5	65,3	92,7	29,1
Сирдарё	65,6	66,9	78,4	23,9
Тошкент	75,5	76,9	85,7	41,2
Фарғона	44,7	45,6	47,3	30,2
Хоразм	44,4	27,1	48,4	9,1
Қорақалпоғистон АССР	33,1	19,1	39,2	4,8
Республика бўйича жами:	**63,1**	**56,0**	**75,2**	**23,9**

Иван Дубровский ва Ларион Пак сингари илғор ишчилар айни вақтда 1977 йил ҳисобига меҳнат қилмоқдалар. Тошкент экскаватор заводининг ишчилари шу кунларда якунловчи йил меҳнат вахтасида туриб ишламоқдалар. Суратда И. Дубровский ва Л. Пак ўртоқлар.

А. Тўраев фотоси.

ЎНИНЧИ БЕШ ЙИЛЛИК ҲИСОБИГА

«Узсельхозтехника» Жиззах область бирлашмаси тўққизинчи беш йиллик топшириқларини муваффақиятли бажарди. Ишлаб чиқариш ҳажми план кўрсаткичидан тўрт миллион сўмдан ҳам ортиб кетди ва 17 миллион 900 минг сўмни ташкил этди.

Пайвандчи А. Муродов ва слесарь А. Хўжамқулов (Ғаллаорол район бирлашмасидан), «Узсельхозтехника» Фориш район бирлашмасидан шоферлар К. Қоратоев ва Н. Аҳмедов, тракторчи Т. Мўниев 1978 йил ҳисобига ишламоқдалар. (ЎзТАГ).

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИДА

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми республика музика санъатини ривожлантиришдаги хизматлари учун П. С. Рибалко номидаги Тошкент Олий танк командирлари билим юртининг ҳарбий дирижёри Лев Абрамович **Ройтблат**га «Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист» фахрий унвони берди.

* * *

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми республика театр санъати соҳасидаги узоқ йиллик самарали иши учун ва туғилган кунига олтмиш йил тўлиши муносабати билан Самарқанд областлараро рус драма театрининг директори Николай Дмитриевич **Балаев**ни Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фахрий ёрлиғи билан мукофотлади.

* * *

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми матбуотдаги узоқ йиллик самарали иши учун ва туғилган кунига олтмиш йил тўлиши муносабати билан корейс тилида чиқадиган «Ленин кичи» газетасининг Ўзбекистон ССРдаги ўз мухбири Ду Чир Кимни Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг фахрий ёрлиғи билан мукофотлади.

ПАРВОЗ ТУГАЙ ДЕБ ҚОЛДИ

ХЬЮСТОН, Учишни бошқариш маркази, 23 июль. (ТАСС махсус мухбирлари). Америкалик космонавтлар Т. Стаффорд, В. Брандт ва Д. Слейтон «Аполлон» космик кемасида учаётиб илмий экспериментларни бажаришни давом эттирмоқдалар. Улар ер курраси турли районларини фотосуратга олдилар.

Ўтказилаётган экспериментлар тўғрисида бошқариш маркази олган дастлабки маълумотлар қониқарли бўлмоқда. Юмшоқ рентген нурланишини ўрганиш борасидаги тажрибани бажаришда чиққан баъзи проблемаларгина бундан истиснодир. Шу тажрибани амалга оширишда ишлатиладиган электрон ускунанинг носозлигидан бошқариш маркази ҳозирга қадар кутилган маълумотларни ололмади.

Учишни бошқариш марказидаги матбуот конференциясида хабар қилишларича, астронавтлар ўзларини яхши ҳис қилмоқдалар.

* * *

ХЬЮСТОН, Учишни бошқариш маркази, 24 июль. (ТАСС махсус мухбирлари). Совет — Америка қўшма эксперименти тугай деб қолди. «Аполлон» кемаси 25 июль Москва вақти билан 0 соату 18 минутда Ғавай оролларининг яқинида сувга қўниши лозим. Қўшма парвознинг Америка томонидан смена раҳбари Ф. Литтлтон матбуот конференциясида «Аполлон» экипажи учишнинг тугалловчи босқичига ва сувга қўнишга тайёр эканлигини айтди.

Т. Стаффорд, В. Бранд ва Д. Слейтон кеманинг туташувчи модулини команда модулидан ажратдилар, сўнгра орбитани ўзгартириш маневрини ўтказдилар. Бу операциялар муваффақиятли бажарилди.

Экипаж ажралиб чиққан туташувчи модулдан фойдаланиб, бир туркум илмий экспериментларни ўтказди. Астронавтлар ер юзасининг турли участкаларини кузатишни давом эттирдилар. Улар сувга қўнилиши муносабати билан борт аппаратларини кўздан кечирдилар.

Ҳамма иш яхши ўтмоқда, деди матбуот конференциясида Ф. Литтлтон. Кема сувга қўнадиган райондаги об-ҳаво қулай бўлиб турибди.

В. ЧУКСЕЕВ, А. БОБИКОВ.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети XVIII пленуми қарорларини амалга оширамиз

ПАХТА МЕҲРИ

Партия ва ҳукуматимиз пахтачиликни юксалтириш ҳақида муттасил ғамхўрлик қилиб келмоқда. СССР Министрлар Советининг давлатга пландан ташқари сотиладиган пахтанинг харид нархларига устама ҳақ тўлаш ҳақидаги қарори, КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежнев Москва шаҳри, Бауман сайлов округи сайловчиларининг кўрсатмасида сўзлаган нутқида пахтакорларнинг меҳнатига ва эришган муваффақиятларига яна бир марта юксак баҳо берганлиги бунинг ёрқин далилидир.

Совхозимиз пахтакорлари ана шу оталарча ғамхўрликка, юксак баҳога жавобан фидокорона меҳнат қилиб, «оқ олтин» етиштиришни йил сайин кўпайтирмоқдалар. Партиямиз XXIV съезди қарорларини оғишмай амалга ошириш, тўққизинчи беш йиллик планни муваффақиятли бажариш учун астойдил курашаётган азамат пахтакорларимиз КПСС Марказий Комитетининг партияга, совет халқига Мурожаатига жавобан беш йилликнинг якунловчи йилида ҳосилдорликни гектар бошига 37 центнерга етказиш, давлатга 13500 тонна пахта топшириш мажбуриятини олишган эди.

Сув танқис бўлган бу йилги шароитда ғўзани минерал ўғитлар билан озиқлантиришнинг ўзигина кифоя қилмайди. Бунинг устига, минерал ўғитларнинг йиллик нормаси биринчи ва иккинчи парваришда бериб бўлинган. Деҳқонларимиз буни ҳисобга олиб, навбатдаги парваришга киришганларида ғўзани маҳаллий ўғит билан озиқлантиришга алоҳида эътибор бермоқдалар. Шу мақсадда ҳар гектар ер ҳисобига 15 тоннадан маҳаллий ўғит далага ташиб чиқарилди. Унинг бир қисми суғориш эгати олганда қуруқлигича, қолган қисми эса ғўзани суғорганда «шарбат» тарзида бериляпти. Бу тадбир суғориш натижасида ҳосил қилинган намни узоқроқ сақлаш, ғўза қатор ораларини культивация қилганда тупроқни майинлаштириш имконини бермоқда. Суғориш билан культивация ўртасида узилиш бўлишига сира йўл қўйилмаяпти Негаки, агар суғоришдан кейин культивация бир кун кечикиб ўтказилса, тупроқдаги нам узоғи билан 10—15 кун сақланса, ер етилиши билан обитобида культивация қилинганда 20-25 кун сақланади.

Механизаторларимиз, сувчиларимиз ва барча пахтакорларимиз Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Узбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва Министрлар Советининг республика қишлоқ хўжалигининг барча меҳнаткашларига Мурожаати ва Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети XVIII пленуми қарорларида қўйилган вазифаларни тўла-тўкис амалга оширишга, КПСС XXV съезди шарафига социалистик мусобақани янада авж олдириб, беш йилликни муваффақиятли якунлашга, съездни пахта етиштиришни янада кўпайтирган ҳолда кутиб олишга қарор қилдилар. Шу мақсадда илғари олган мажбуриятларини қайта қараб чиқдилар. Бу йил ҳосилдорликни пландагидан 10 центнер ошириб, 38 центнерга етказиш, давлатга 13800 тонна «оқ олтин» топшириш ҳақида сўз бердилар. Илғор бўлим ва бригадаларнинг коллективлари эса ҳар гектар ерда 40—45 центнер ҳосил етиштириш учун курашга бел боғлашди.

Ҳолва деган билан оғиз чучиманидек, бу миқдордаги пахтани ҳам осонлик билан етиштириб бўлмайди. Бунинг учун бир ғайратга ўн ғайрат қўшиб ишлаш керак. Ҳар туп ғўзани меҳр билан парвариш қилиш, унда имкони борича кўпроқ гул ва кўсак ҳосил қилиш зарур.

Ғўза парваришини тобора кучайтирган ҳолда, суғориш ва культивациянинг сифатига алоҳида эътибор бериш, кўчат сонининг камайиб кетишига, ғўза туп-ларида пайдо бўлган ҳосил элементлари тўкилиб кетишига йўл қўймаслик муҳим аҳамиятга эга. Чигит барча майдонга 90 сантиметрли схема билан прогрессив усулда экилган. Ҳозир ҳар гектар ерда ўрта ҳисобда 125 минг туп кўчат бор. Барча майдондаги экин уч марта қондириб суғорилди. Суғориш группа усулида ташкил этилган. Ҳар бир пайкалда 6—8 сувчи сув тутади. Бир картадаги ғўза сувдан тўла чиққач, иккинчи картага сув олинади.

Бу тадбир сувдан тўғри фойдаланиш, унинг нобуд бўлишига йўл қўймаслик, оз сув билан кўпроқ майдондаги ғўзани суғориш имконини беряпти. Тупроқнинг бир текис намланишига алоҳида эътибор берилаётир. Айниқса ҳозирги жазирама кунларда ғўзани кечаси суғоришга алоҳида аҳамият бериляпти. Совхозга ажратиб берилган сув билан Мурожаат эълон қилинганга қадар ҳар куни 250 гектар ғўза ва 150 гектар бошқа экинлар суғорилган бўлса, ҳозир ҳар куни 500 гектар ердаги экин, шу жумладан 300—350 гектар ердаги ғўза суғорилмоқда. Илгари фақат ғўзани суғоришда 400 сувчи ишлаган бўлса, ҳозир уларнинг сони 500 кишига етказилди. Сувдан тўғри фойдаланиш, ҳар куни кўпроқ майдондаги ғўзани қондириб суғориш учун сувчилар ўртасидаги мусобақада Ризо Бобоев, Муким Аҳмедов, Уринбой Мадраҳимов, Бобо Соипов, Раҳмон Султонов, Олим Мамадалиев каби тажрибали сувчилар пешқадамлик қилишяпти. Улар ўзлари унумли ва сифатли ишлаш билан бирга, ишларга сувдан тўғри фойдаланиш, унинг нобуд бўлишига йўл қўймаслик, қандай қилиб оз сув билан кўпроқ майдондаги ғўзани суғориш йўлларини ўрганишяпти.

Сувчилар билан механизаторлар ҳамкорликда ишлашмоқда. Сувдан чиққан картанинг ери етилиши билан агроном ва бригадирнинг кўрсатмаси билан дарҳол культивация ўтказилади. Сўнг ғўза қаторларида пайдо бўлган ва культиваторнинг ишчи органлари ололмаган бегона ўтлар қўл билан ўтоқ қилинади. Шу картанинг ғўзаси сув талаб бўлиши билан эса ўғит солган ҳолда суғориш эгатлари олинади. Бу иш тугаллиниши билан картага сув таралади. Ғўзани суғориш, культивация қилиш, озиқлантиришнинг сифати устидан совхознинг бош мутахассислари, партия комитетининг аъзолари контроллик қилиб боришади.

Шу кунларда далада 60 та культиватор унумли ишлатилмоқда. Бекназар Мадризаев, Ҳамза Маҳмедов, Козим Умиров, Николай Адаменко, Исроил Бўриқулов, Бобораҳим Равшанов каби уста механизаторлар экинни сифатли парвариш қилишда бошқаларга ибрат бўлишяпти.

Механизаторларимиз техника кучидан тўла фойдаланиб, барча майдондаги ғўзани яна икки марта комплекс парвариш қилиш, бу ишни машина термини кўзлаган ҳолда амалга ошириш, сувчиларимиз эса сувдан фойдаланишни тағин ҳам яхшилаш, унинг нобуд бўлишига йўл қўймаслик йўли билан икки марта қондириб суғориш ҳақида сўз беришди. Бу — партия ва ҳукуматимиз ўз Мурожаатида механизаторлар ва сувчиларга алоҳида таъкидлаб қилган даъватига бизнинг амалий жавобимиз бўлади, дейишмоқда улар.

Ҳозир ҳамма майдондаги ғўза кўсакламоқда. Ҳадемай ҳосил йиғим-терими бошланадиган вақт ҳам келади. Шу туфайли ғўза парваришини тобора кучайтириш, барча майдонда мўл ҳосил тўплаш билан бир қаторда, пахта йиғим-теримига ҳам тайёргарлик кўриляпти. Ўтган йиллардагидек, бу йил ҳам ҳосил асосан машиналар билан терилади. Механизаторларимиз бултур машиналар билан 10 минг тонна ёки барча ҳосилнинг 80 процентини териб беришган эди. Бу йил эса бу кўрсаткични 10500 тоннага етказиш ҳақида ваъда беришганди. Мурожаат эълон қилингандан кейин улар ўз мажбуриятларини қайта кўриб чиқишди. Бу йил машина терими ҳажмини 11 минг тоннага етказишга қарор қилинди. Мавжуд 90 та терим агрегати баҳордаёқ ремонт қилиб қўйилган эди. Фақат агрегатлар терим олдидан синаб кўрилади. Барча терим машиналари икки сменада ишлатилади. Шу мақсадда қўшимча механик-ҳайдовчилар тайёрланмоқда. Совхозда ташкил этилган механизаторлар тайёрлаш курсида 40 киши ўқимоқда. Улар асосан пахта териш машиналарида ишлашади.

А. ОМОНБОЕВ,
Оққўрғон районидаги Султон Сегизбоев номли совхоз директори.

Советлар мамлакатида

КАСПИЙ СОҲИЛИДА САНАТОРИЙ

Каспий денгизининг шарқий соҳилида «Мангишлакрибоходфлот» бошқармасининг маблағлари ҳисобига қурилган санаторийнинг корпуслари қад кўтарди. Форт-Шевченко шаҳри атрофида барпо этилган шифохона комплексида сув-балчиқ ёрдамида даволаш, физиотерапевтика кабинети ва бошқа кабинетлар, ошхона, музика салони мавжуд. Шу ерга ёнма-ён ажойиб қум пляжи бор.

Янги санаторий-профилакторийда радикулитни ва бўғин бошқа касалликларни даволаш мумкин.

Бу йил Қозоғистонда саноат корхоналари, қурилиш ташкилотлари ва бошқа ташкилотларнинг маблағи ҳисобига қуриладиган яна ўнга яқин янги санаторий-профилакторий ишга туширилади.

ОЛМАОТА.

ЯГОНА КАСАЛХОНА КОМПЛЕКСИ

Пензада янги область болалар касалхонаси очилди. Ун етти махсус бўлими бўлган замонавий даволаш комплексига стационар ва катта поликлиника киради.

Бу касалхона областдаги болалар даволаш муассасаларининг ташкилий-методик маркази бўлади. Ягона касалхона комплексининг барпо этилиши билан шаҳар болалар поликлиникалари ҳузурида кичик стационарларни сақлаш учун зарурат қолмади.

ПЕНЗА.

ДАРАДА ШИФОХОНА

Қирғизистон пойтахтидан 30 километр чамаси нарида хушманзара Аламидин дарасида Қирғизистон энергетикларининг «Илиқ булоқлар» деб аталган янги дам олиш базаси очилди. Одамлар бу ерда мавжуд иссиқ сув манбаларидан қадимдан буён фойдаланиб келадилар. Медиклар бу сув радикулит, бод ва бошқа касалликларни даволаш учун яхши таъсир кўрсатади, демоқдалар.

Катта-катта корпуслар қурилмоқда. Бу корпусларда меҳнаткашлардан 400 киши дам олиши мумкин. (ТАСС).

ФРУНЗЕ.

ЧЕТ ЭЛЛАРДА

СОЦИАЛИЗМ МАМЛАКАТЛАРИДА

ВАТАНГА МЕҲНАТ ТУҲФАЛАРИ

ВАРШАВА. Польша меҳнаткашлари ўз миллий байрами — тикланиш кунини меҳнат ғайрати жўш урган вазиятда кутиб олдилар. «Меҳнатимизни — социалистик Ватанга бағишлаймиз» деган шиор меҳнатдаги ана шу жўшқинликни ҳаммадан кўра кўпроқ, яхшироқ ифодалаб келади.

Люблиндаги юк автомобиллари заводи коллективи беш йиллик планни бажарганлиги тўғрисида рапорт берди ва 21 миллиард злотийлик маҳсулот ишлаб чиқарди.

Польшада энг йирик шахталардан бири бўлган «Турув» қоратош кўмир қазиб чиқариш шахтасининг коллективи шу беш йиллик пландан ташқари 2-мил. лионинчи тонна ёқилғи қазиб олди.

Варшава — Катовице замонавий автомобиль магистралининг 110 километрлик бўлаги ҳам фойдаланишга топширилди.

ЎЗ ЎЛКАНГИЗНИ БИЛИНГ

БУДАПЕШТ. Венгриянинг ўн минглаб аҳолиси «Ўз ватанингни бил» ҳаракатида иштирок этмоқда. Бу ҳаракатнинг мақсади — жонажон шаҳар, қишлоқ, область, районнинг ўтмишини чуқурроқ ўрганишдан, замонавий ривожланишни яхши билишдан иборат. Ватан халқ фронти 50 йил муқаддам бошлаган бу ҳаракатнинг асосий вазифаларидан бири, — ёш авлодни ватанпарварлик, социалистик интернационализм руҳида тарбиялашдан иборат.

РУЛАНИНГ АНИҚ ВАҚТИ

БЕРЛИН. ГДР жанубида жойлашган кичик Рула шаҳрининг номи соатларнинг аниқлик, пишиқлик ва нафислик рамзидир. Бу ерда ана шундай соатлар ярим асрдан буён ишлаб чиқарилмоқда.

Комбинат эришган ютуқлар, унинг меҳнат мароми кўп жиҳатдан Москвадаги иккинчи соат заводи билан маҳкам ва кўп йиллик ҳамкорлик билан белгиланмоқда.

Герман — Совет дўстлиги, халқаро ишчилар бирдамлиги анъаналари комбинат ёшларига кенса авлодлардан ўтди. Йигирманчи йилларда Рулани Германияда «Кичик Москва» деб аташардилар: шаҳар меҳнаткашлари рейхстагга ўтказилган сайлов вақтида доимо ўз овозларини коммунистлар учун беради лар, Москвада ҳозирги иккинчи соат заводи қурилганида эса партия топшириғи билан юқори малакали соатсозлар бригадаси синфдош қардошларга ёрдам кўрсатмоқ учун совет пойтахтига юборилган эди.

Рула комбинатининг директори Хайнц Ведлер ТАСС муҳбири билан суҳбатда бундай деди: «Совет меҳнаткашлари қардошлик бирдамлигини эсдан чиқарганлари йўқ: улар урушдан кейин замонавий соат ишлаб чиқаришни қайта тиклашда ва ишга туширишда бизга ёрдам бердилар».



ЯПОНИЯ. Нагасаки — Кюсю оролининг ғарбий қисмидаги муҳим саноат ва маданий марказ ҳисобланади. Бу ернинг аҳолиси 400 минг кишини ташкил этади. Бу йил Нагасакида Америка атом бомбаси портлатилганига 30 йил тўлади. Суратларда: шаҳарнинг марказий кўчаларидан бирида яъни портлашнинг эпицентри ҳисобланган территорияда ана шу даҳшатли воқеани эслатувчи рамзий манзаралар акс эттирилган.

ЧТК — ТАСС фотоси.

СОВЕТ — АМЕРИКА ЭКСПЕДИЦИЯСИ

НЬЮ-ЙОРК, 23 июль. (ТАСС). Сибирь ва Аляска аҳолисининг тарихини ўрганиш Совет — Америка планларига мувофиқ шу йил августида Совет Иттифоқида Байкал кўли атрофида қўшма археология экспедицияси ўтказилади. Коннектикут университетининг профессори Уильям Лаглин (Коннектикут штати) Строса шаҳрида ўтказилган матбуот конференциясида шу хусусда гапириб бундай деди: «Биз «Союз» ва «Аполлон» экипажларидан бамисоли эстафета қабул қилиб олаётганлигимиздан хурсандмиз. Биз ҳаммамиз космос соҳасида иш олиб бораётган олимларимиз, инженерларимиз билан ва космосда Совет — Америка ҳамкорлиги мумкин, мақбул ва зарур эканлигини бутун дунёга исботлаган космонавтларимизнинг ўзи билан фахрланамиз».

ҚИММАТЧИЛИК, ИШСИЗЛИК, КАМСИТИШ

Капитализм иллатлари

Капиталистик мамлакатларда меҳнаткашлар оммасининг кун кечириши тобора қийинлашиб бораётганлиги тўғрисида кўплаб хабарлар келиб турибди.

Вашингтондан берилган хабарга кўра, Қўшма Штатларда қимматчилик ҳамон кучайиб бормоқда. Меҳнат министрлигининг хабар беришича, июнь ойида чакана нархлар яна 0,8 процент кўпайтирилди. Бу эса ўтган йил сентябридан бери ойлик энг катта сакраш бўлди. Озиқ-овқат маҳсулотлари ва бензин айниқса қимматлашди.

Меҳнаткаш халқ эса бунга жавобан иш ҳақини ошириш ҳамда ўз ҳуқуқларини ҳимоя қилиш йўлидаги курашни тобора кучайтириб юборяпти. Лордстаундаги «Фишер води» компаниясига қарашли заводнинг 2 мингдан ортиқ ишчиси бошлаган забастовка бунга яқол мисол бўлаолади. Огайо штатидаги бу завод «Женерал моторс» корпорацияси учун енгил машиналар кузовини ишлаб чиқаради. «Женерал моторс»нинг шу шаҳардаги йиғув заводида салкам 5 минг киши бирдамлик юзасидан забастовкага қўшилди.

Нью-Мексико штатининг Албукерке шаҳридаги полициячиларнинг ўн кунлик забастовкаси ҳам якунланди. Бу забастовка уларнинг ғалабаси билан тугади. Шаҳар маъмурлари янги коллектив битим тузишга ва унда иш ҳақининг оширишни кўзда тутишга розилик беришга мажбур бўлдилар. Забастовка давомида шаҳар маъмурларига таъсир ўтказишнинг ғалати усули қўлланилди. 300 полициячи — шаҳар полиция бошқармаси жами составининг учдан икки қисмидан кўпроғи ишдан бўшатишни сўраб ариза берди. Янги коллектив шартномага мувофиқ шуларнинг ҳаммаси яна ишлай бошлади.

Брюсселдан берилган хабарга қараганда, шу йилнинг биргина июль ойида мамлакатдаги ишсизлар июнь ойининг охиридагига нисбатан 4,3 процент кўпайди. «Драпо Руш» газетасида бу хабар кенгроқ шарҳлаб берилган. Бунда Бельгиядаги ишсизлик армиясининг тинимсиз кўпайиб бораётганлиги тўғрисида гап боради. Ҳозир мамлакатда ишсизлар сони 300 минг кишига етай деб қолди.

Тараққий этган капиталистик мамлакатлардан бири бўлмиш Япония меҳнаткашларининг ҳам моддий аҳволи кундан-кунга ёмонлашиб бораётганлиги тўғрисидаги хабарлар оқими тўхтамаётир. Аҳолининг реал иш ҳақи шу йилнинг май ойида 1974 йилнинг шу ойига нисбатан 3,6 процент қисқарди. Япония меҳнат министрлигининг бу ерда эълон қилинган докладида юқоридагга рақамлар келтириб ўтилади. Аҳоли реал даромадларининг бундай қисқариши мамлакатда нарх-навонинг тез ўсиб бораётганлиги натижасида содир бўлаётир.

Капитал ҳукмронлик қилаётган мамлакатларда айниқса ёшларнинг аҳволи мушкуллашиб бормоқда.

Англия мактабларида яқинда яна бир ўқув йили тугади. Ярим миллиондан кўпроқ ўқувчилар учун сўнгги марта қўнғироқ жаранглаб, мустақил ҳаёт учун йўл очилганлиги тўғрисида дарак берди. Бироқ, ҳақиқатда эса, бу йўл мактабларни битириб чиққан мингминглаб ёшларни мамлакатда ошиб-тошиб кетган ишсизларни рўйхатга олиш бюросига олиб бормоқда. Масалан, биргина Ливерпулнинг ўзида кечагина мактабларни битириб чиққан ёшлардан 6 мингдан кўпроқ ёш ишга жойлаша олмай қолди. Расмий статистика маълумотларига кўра бултур мамлакатларни битириб чиққан салкам 50 минг киши ҳозиргача шаҳарларда иш тополмай сарсон-саргардон бўлиб юрибди.

Ғарбий Германияда ёшлар ҳаётидаги бошқа бир хунук манзара диққатни жалб этади. Яқинда Мюнхенда бўлиб ўтган намойиш ва митингда студентлар, ўқувчилар ва ёш ишчилардан мингдан ортиқ киши иштирок этиб, маъмурларнинг Мюнхен университетида таълим олаётган ёшлар сонини кескин равишда камайтириш ниятига қарши қатъий норозилик изҳор этдилар. Бу эса университет маъмурларини анча чўчитиб қўйди. Ҳозирги пайтда турли найранглар билан студентлардан ўч олишга уринилмоқда.

Жанубий Корея маъмурлари прогрессив руҳдаги ёшлардан ўч олишни ҳамон давом эттирмоқдалар. Яқинда Сеул суди Енсей университети студентлар жамиятлари уюшмаси раиси Ш. Чжунни ва бошқа уч студентни турли муддатларга турма жазосига ҳукм қилди. Улар студентларнинг апрель ойида бўлиб ўтган намойиши учун қамоққа олиниб, турмага ташланган эдилар. Ўша намойиш қатнашчилари демократик ҳуқуқлар берилишини талаб қилган эдилар. Жанубий Корея маъмурлари судда найранг ишлатиб, бу студентларни «йиғилишлар ва намойишлар ҳақидаги қонунни бузиш»да айбладилар.

Меҳнат ва капитал ўртасидаги ҳамда маъмурлар ва оддий кишилар ўртасидаги кураш ҳамён кескинлашиб бормоқда. Меҳнаткашлар ўз ҳуқуқлари учун олиб бораётган курашларини тобора кенгайтириб капитализм пойдеворини туб-тубидан бўшаштирмоқда.

ТЕЛЕТАЙП ЛЕНТАСИДАН

✦ **БУХАРЕСТ.** Бу ерда Руминия Коммунистик партияси Марказий Комитетининг кенгайтирилган пленуми бўлди. Пленум қатнашчилари 1976 — 1980 йилларда Руминияни ривожлантириш плани лойиҳасини, шунингдек 1976 йилги план ва давлат бюджетининг лойиҳаларини кўриб чиқиб, тасдиқладилар. Руминия Компартияси билан Руминия Социалистик Республикасининг партия XI съездидан кейинги халқаро фаолияти тўғрисидаги ахборотни ва сув тошқини оқибатларини тугатиш тадбирлари ҳақидаги ахборотни тингладилар.

Пленумда Руминия Компартиясининг Бош секретари Н. Чаушеску нутқ сўзлади.

✦ **РИМ.** Ўз сафларида 4 миллиондан ортиқ меҳнаткашни бирлаштирувчи Италия умуммеҳнат конфедерацияси раҳбарлик комитетининг бу ерда ўтаётган мажлисида касаба союзларининг меҳнаткашларни иш билан таъминлаш йўлидаги, янги меҳнат шартномалари тузилиши йўлидаги курашни, касаба союз ташкилотлари вакилларининг ҳукумат билан музокаралари қандай ўтаётганлиги, бирликни мустаҳкамлаш проблемалари диққат марказида турибди.

✦ **ҚОҲИРА.** Бу ерда Миср Араб Социалистик иттифоқининг умумий миллий конгресси ўтказилмоқда. Конгресс ўзининг дастлабки мажлисида А. Садатни Араб социалистик иттифоқининг раиси лавозимига бир овоздан қайта сайлади.

✦ **РАНГУН.** Кеча Бирманинг ҳамма жойида будда динининг вазо (Бирма календарига мувофиқ вазо ойининг тўлин ой) куни байрам қилинди. Ҳақли равишда шу кунни аҳолининг 80 процентдан кўпроғини ташкил этувчи бутун Бирма деҳқонларининг байрами деб ҳисоблайдилар. Мамлакат қишлоқ хўжалиги меҳнатчилари асосий қишлоқ хўжалиги экини ва аҳолининг асосий озиқ-овқат маҳсулоти бўлган гуручнинг келгусидаги ҳосилига бўлган ўз умидларини шу байрам билан боғлайдилар. (ТАСС).

Ж. ФОРДНИНГ АЙТГАНЛАРИ

ВАШИНГТОН, 23 июль. (ТАСС). АҚШ Президенти Ж. Форд «Тайм» журнали билан суҳбатда Совет — Америка муносабатларига ва дунёдаги умумий вазиятга тўхталиб ўтди.

Совет—Америка муносабатларини давом эттириш лозимлигини исботлаш учун бу муносабатлар ҳозирнинг ўзидаёқ умуман ва бутунлай иккала томонга етарлича фойда келтирди. Бевосита алоқалар соҳасида ёки фан, соғлиқни сақлаш, атроф муҳитни муҳофаза қилиш борасидаги битимлар ёҳуд бошқа бирон бир соҳада бўлмасин, ҳозиргача қилинган анча кенг кўламдаги ва анча самарали муносабатлар ўрнатиш имконини берадиган яхши пойдевор бўлди.

Президент ишонч билдириб айтдики, мамлакатлар кескинликни юмшатишга реалистик назар билан қарайдиган бўлсалар ҳозирги Америка — Совет муносабатларидан АҚШ билан Совет Иттифоқи ўртасидаги кескинликни юмшатиш учунгина эмас, шу билан бирга бутун дунёдаги проблемаларни ҳал этишга кўмаклашиш учун ҳадиксирашни тугатиш, дунёдаги нисбий осойишталикни сақлаш қуроли сифатида ҳам бундан буён фойдаланиш имконияти бор.

Ж. Форд стратегик қурол-яроғларни чеклаш тўғрисидаги Совет — Америка музокараларининг катта аҳамиятини қайд қилди ва шу муносабат билан Владивостокдаги Совет — Америка олий даражадаги учрашуви давомида эришилган битимни ижобий баҳолади. Стратегик қурол-яроғларни чеклаш тўғрисидаги музокараларнинг биринчи босқичи олға томон ташланган бир қадам бўлди, музокараларнинг иккинчи босқичи потенциал жиҳатидан янада муҳимроқ бўлади, деди у. Шу билан бирга президент АҚШ билан СССР стратегик қурол-яроғларни чеклаш тўғрисида янги битимга эриша оладилар, деб умид билдирди.

Бошқарти шундай битимга эришилса Қўшма Штатлар «нисбатан стабиль» ҳарбий бюджетга эга бўлиши эҳтимолдан ҳоли эмас, деди президент. Акс ҳолда, деди Ж. Форд АҚШнинг ҳарбий харажатлари анча кўпайиб кетиши мумкин. Шу билан бирга Ж. Форд стратегик қурол-яроғларни чеклаш тўғрисида тузилиши мумкин бўлган битим оддий қурол-яроғларга алоқадор бўлмайди ва АҚШ армия учун ҳамда ҳарбий флот учун тузилган ўзининг қиммат турувчи программасини бундан буён ҳам бажараверади, деб таъкидлади.

Ж. Форд Яқин Шарқ проблемаси тўғрисида гапириб, бу райондан «портлаш хавфи жуда кучли», деб тан олди. Шу муносабат билан у дунёнинг бу районида ҳам АҚШ ўзаро кураш бўлишини истамайди, деб таъкидлади.

Президент НАТОнинг жанубий қанотидаги вазият ташвишли деб айтди. У ана шу райондаги вазиятга таъсир ўтказаётган воқеалар орасида Кипр сабабли Греция билан Туркия ўртасидаги низони, шунингдек Португалиядаги ички воқеаларни тилга олди.

ПЕКИН ТИНЧЛИК ВА ХАВФСИЗЛИК МАНФААТЛАРИГА ҚАРШИ

ВАРШАВА, (ТАСС). Социалистик дунё мамлакатларининг стратегиясини Хитой раҳбарларининг буюк давлатчилик режаларига бўйсиндириш йўлидаги уринишлар Хитой Коммунистик партиясини халқаро коммунистик ҳаракатдан яккалаб қўйишга олиб келди, деб ёзади Польша Бирлашган ишчи партияси Марказий Комитетининг органи «Нове ташқи сиёсатининг тиғи» деган мақоласида.

Пекиннинг асосий куч-ғайратлари, деб ёзади журнал, ғарб мамлакатларининг сиёсатига «совуқ уруш» позициясида туриб актив таъсир ўтказиш йўли билан социалистик мамлакатларнинг асосий манфаатларига путур етказишга қаратилган. Пекин Европа хавфсизлик ва ҳамкорликка бағишланган кенгашга қарши чиқиб келди ва қарши чиқмоқда, бу кенгашни қораламоқда, Марказий Европада қуролли кучларни ва қурол-яроғларни қисқартириш тўғрисида Венада олиб борилаётган музокараларга қарши чиқмоқда. У Европадаги урушдан кейинги чегараларнинг бузилмаслиги ва дахлсизлиги принципига қарши чиқмоқда. Хитой ГФР билан социалистик мамлакатлар ўртасидаги муносабатларни нормаллаштириш жараёни ва Ғарбий Берлинга доир тўрт томонлама битимга нисбатан таҳқидий позицияда турибди. Европадаги барча энг муҳим проблемалар хусусида Хитой раҳбарларининг тутаётган позицияси социалистик ҳамдўстликни заифлаштиришга қаратилган бўлиб, Европадаги кескинликни юмшатиш жараёни йўлига тўғоноқ қўйиш мақсадини кўзлайди.

«Нове дроги» журнали ХХР ва Синьхуа агентлигининг ғарб мамлакатлардаги дипломатия вакиллари билан социалистик мамлакатлардан қочган антикоммунист сиёсий муҳожирлар ўртасидаги алоқалар, шунингдек Хитойнинг Мюнхендаги «Озод Европа» радиостанцияси билан алоқалари кучайиб бораётганлигини таъкидлайди. «Озод Европа» радиостанцияси маочилар пропагандасининг тезисларидан айниқса бажонидил фойдаланмоқда.

ХХРнинг сиёсати бутун дунёда тинчлик, тараққиёт ва социализм учун кураш олиб боришнинг олижаноб мақсадларига мутлақо зид келиб қолди, деб ёзади пировардида «Нове дроги» журнали.

Хитой дипломатиясининг амалий фаолияти Пекиннинг «икки ўта буюк давлат гегемониясига» қарши «кураш» деб аталган қурашининг тиғи аслида СССРга ва унинг иттифоқчиларига қарши қаратилганлиги асло шубҳа қолдирмайди. Хитой раҳбарлари социалистик мамлакатларни бирлаштириб турган алоқаларни заифлаштиришдан айниқса манфаатдордирлар.

АХБОРОТ
ЯНГИЛИКЛАР, ВОҚЕАЛАР

ЯХШИ ДАМ — МЕҲНАТГА ҲАМДАМ

Тошкент шаҳар Чилонзор район халқ маорифи бўлимига 146 мактаб, мактабгача тарбия муассасалари, пионер уйлари ўюшган. Педагог ва тарбиячилар сони тўққиз минг кишини ташкил қилади. Район халқ маорифи бўлими ва касаба союз комитети ўқитувчиларнинг ёзги каникулда мириқиб дам олишлари учун қатор тадбирларни амалга оширмоқда.

Белоён Ватанимизнинг турли шаҳарлари бўйлаб саёҳат қилиш учун 150 та туристик, 115 та санаторий ва дам олиш уйларига путёвкалар тарқатилди. Июнь ойининг ўзида юзга яқин тарбиячилар Москва, Ленинград, Кора денгиз соҳилларидаги оромгоҳларда ҳордиқ чиқариб қайтдилар. Июль ва август ойларида ҳам 200 дон ортиқ киши мароқли дам олиши планлаштирилган. Йўлланмалар билан дам олувчиларнинг аксарияти Улуғ Ватан уруши қатнашчилари, халқ маорифи ветеранларидир.

Қ. МАЛИКОВ.

«АҚЛ МУЪЖИЗАСИ» МУҲОКАМАДА

Қишлоғимизда китобхонлар конференцияси тез-тез бўлиб туради. Яқинда китобхонлар даврасида Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг академиги Восил Қобуловнинг «Ақл мўъжизаси» номли китоби муҳокама қилинди. Биз «кибернетика» сўзини кўпроқ газета, журнал, радио ва телевидениедан ўқиб, эшитиб турар эдик. Ҳурматли олимимизнинг бу рисоласини ўқир эканмиз, бизларда кибернетикага бўлган ҳавас янада ошди.

Биз шу китоб орқали жуда кўп масалаларнинг моҳиятини билиб олдик. Энг муҳими шуки, китоб юксак маҳорат билан кенг китобхонларга тушунарли қилиб ёзилган.

Кейинги пайтларда колхозларда ҳисоб-китоб ишларининг кўпайиб кетиши натижасида ишлаб чиқариш планларини тузиш, колхоздаги мавжуд ресурслардан тўғри фойдаланиш каби масалаларни электрон-ҳисоблаш машиналарида ҳал қилиниши бизларда ажойиб қизиқиш уйғотди. Китобда номлари қайд этилган айрим илмий ходимлар бизнинг ҳамкишлокларимиз бўлиб, Тошкентдаги илмий-текшириш институтларида илмий иш олиб боришаётган экан. Ҳамкишлокларимиз Камол Каландаров ва Камол Бобомуродовларнинг айнан кибернетика масалалари билан шуғулланаётганликлари бизларни беҳад хурсанд қилди. Фурсатдан фойдаланиб, партия ва ҳукуматимизнинг оталарча ёмҳўрлигига амалий иш билан жавоб бераётган, ёшларни коммунистик руҳда тарбиялаётган, изланувчан олим Восил Қобуловга миннатдорчилик билдирамиз ҳамда илмий ишларида муваффақиятлар тилаймиз.

Н. БЕРДИҚУЛОВ,
Ургут районидаги Навоий номли колхоз раиси.

Н. РИЗАЕВ,
Колхоз тузуми ветерани, пенсионер.

Р. ОБЛОЁРОВ,
38-ўрта мактабнинг математика ўқитувчиси.

ОБИДАЛАР ЯШАРАДИ

Афросиёб манзилгоҳи ўзининг ноёб асрий расмлари билан меҳмонларни ром қилади. Узоқ тарих саҳифаларини ўзида мужассамлантирган Афросиёб табиат таъсиридан анча ночор аҳволга келиб қолган эди. Обидалар чиройидан келажак, авлодлар ҳам бахраманд бўлишлари учун уни сақлаш каби масъулиятли ишни ўз зиммасига олган Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг Археология институти қошидаги тарихий ёдгорликларни қимёвий ўрганиш ва уни муҳофаза қилиш бўлимининг илмий ходимлари жуда яхши натижага эришдилар. Бу орада химия фанлари кандидати А. Абдураззоқов, илмий ходим А. Қаландаровларнинг ишлари йирик археологларнинг эътиборини тортди. Жумладан, Афғонистон ва Япония археолог олимлари бунга зўр қизиқиш билдиришди. Чунки нодир расмлар консервация этилиб, уларнинг умрига умр қўшаётган олимларимиз бу борада химиянинг мўъжизакор қудратини яна бир бор исботладилар.

М. НАБИЕВ,
илмий ходим.

ОЛИМЛАР ПАХТАКОРЛАР ҲУЗУРИДА

Андижон пахтачилик институтининг 80 дан ортиқ олимлардан иборат лекторлар группаси областнинг район марказларида, колхоз, совхоз клубларида, дала шийпонларида 120 дан ортиқ лекция ва суҳбатлар ўтказдилар. Лекция ва суҳбатларни қизиқарли ўтказишда институт олимларидан Абдураим Мамадалиев, Таҳлат Икромов, Қобилжон Усмонов, Ҳабибулла Ҳалилов, Ғулжомжон Каримовлар алоҳида намуна кўрсатмоқдалар.

Н. ИНОҚОВ,
«Совет Ўзбекистони» штатсиз мухбири.

* * *

Шунингдек, газетхонлардан — **С. Жўрабоев, З. Аллаев, Н. Илҳомова** (Тошкент), **И. Қорёғдиев** (Бухоро), **М. Маҳкамов** (Фарғона области), **Қ. Тўраев** (Наманган), **М. Мавлонов, А. Бегматов** (Самарқанд) ва бошқа ўртоқлар ҳам редакцияга турли мавзуларда хат-ҳабарлар йўллашган.

«НОННИ ИСРОФ ҚИЛМАНГ, ЭЪЗОЗЛАНГ!» МАҚОЛАСИ ГАЗЕТХОНЛАР МУҲОКАМАСИДА

КЎЗИМИЗГА ТЎТИЁ

«Совет Ўзбекистони» газетасининг шу йил 16 июль сонида СССР Давлат мукофоти лауреати, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Ризамат Мусамуҳамедовнинг юқоридаги сарлавҳали мақоласи босилган эди. Шу муносабат билан редакциямизга газетхонлардан кўплаб хатлар келмоқда. Қуйида ана шулардан айримларини эътиборингизга ҳавола қиламиз.

С. МУСАЕВ (пенсионер, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони): мақола муаллифи туз-насибамиз, ризқи-рўзимиз, бойлигимиз нон ҳақида жуда ажойиб фикрларни айтган.

Отахон айтгандек, бир бурда нон ўрнини ҳеч нарса босолмайди. Нонни ҳар куни бир неча маротаба истеъмол қилсак-да, у кўнгилга тегмайди. Одамлар бировга омад тилаганда нондек азиз бўлинг, дейишади.

Машҳур соҳибқирон мақоласини ўқиб, бир бурда нон деб зор-зор йиғлаганимиз, кўзларимиздан шашқатор ёш оққан оғир кунлар беихтиёр эсга тушади. Биз кексалар буни асло эсдан чиқармаймиз.

Бели оғримаганнинг нон ейишини кўр, деганларидек, баъзи тўй-маъракаларда нонларни ўринсиз исроф қилинаётганини кўриб, бу ахир нисофсизлик-ку, дегинг келади.

Бу борада анчагина тушунтириш олиб борилаётир. Лекин ҳали кўп иш қилишимиз зарур. Бунда кексалар ўзларининг ҳолис хизматларини аямасликлари лозим.

Нондан азиз бирор таом йўқ деймиз. Нонга эҳтиром деҳқонга эҳтиром, ишчига эҳтиром эканлигини унутмайлик. Нонинг увоғини ҳам исроф қилмай, уни кўз қорачиғидай асрайлик. Дўконларда сотилаётган нонларнинг сифати қанчалик яхши бўлса, у харидоргир бўлади, исроф қилинмайди.

Қ. НОРБОЕВ (Пахтачи районидаги 13-мактаб ўқитувчиси): халқимизда, қари билгани пари билмас, деган нақл бор. Ризамат отанинг мақоласи ҳамма касбдаги кишилар учун сабоқ бўла олади. Ахир, орамизда нон емайдиган «мард» йўқ-ку? Шундай экан нонни эъзозлайлик, ардоқлайлик.

Ёз фасли — тўкинчилик фасли. Тўй-томошалар, турли сайллар ўтказиладиган пайт. Бундай паллада уйда ҳам, тўйда ҳам, сайлгоҳларда ва жамоат жойларида ҳам олдимизга нон қўйилади. Патир, бўғирсоқ, қатлама, сомса тортилади. Улардан тановул қилаётиб беихтиёр, «Қаернинг уни экан, жудаям ширинку-а?» деймиз. Гапдан-гап чиқиб Саратов, Тошкент ун заводларининг адресига илиқ гаплар айтилади. Лекин, Навоий, Жиззах, Каттақўрғон уни дейишса, баъзи одамлар ранжийди. Сабаби, мазкур заводларининг унидан гоҳ қора, гоҳида оқимтил нонлар пиширилмоқда. Заводларнинг ходимлари, унга эътибор — нонга эътибор, деган ҳикматли гапни унутмасликларини истардик.

И. ИБРОҲИМОВ (Бағдод районидаги «Пахтакор» колхозининг аъзоси): ҳурматли Ризамат отанинг мақоласи бир воқеани эсимга солди. Қишлоғимизда бир тўй маслаҳатида олди-бердилари, харажатлари, тўй муддати аниқланди. Ниҳоят, қишлоқ оқсоқолларидан бири 400 та нон олиб қўйинг, деган эди. Тўй эгасининг кўпчилик орасида хотамтойлиги тутиб кетди. Тўрт юзта нон керак бўладиган бўлса, 800-1000 та қилиб олиб келавер, ортса ортиб қолсинки, етмай қолмасин, деди. Ўтирганлар бир-бирларига қараб олишди. Аммо, ҳеч ким эътироз билдирмади. Ўша тўйда чунонам нон исроф бўлдики, асти қўяверинг.

Ҳозир ҳам қишлоғимизда тўйлар бўлиб турибди. Тўқчилик, тўкинчилик. Аммо, исрофгарчиликка йўл қўйиш ярамайди.

Карим Жуманиёзович ЖУМАНИЁЗОВ

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети пропаганда ва агитация бўлимининг инструктори **Карим Жуманиёзович Жуманиёзов** узоқ давом этмаган касалликдан сўнг шу йил 23 июль куни вафот этди.

К. Ж. Жуманиёзов 1925 йили Туркманистон ССРнинг Ильяли қишлоғида туғилди. Ўзининг меҳнат фаолиятини 17 ёшида қишлоқ мактабининг ўқитувчиси сифатида бошлади. 1943 йилдан 1946 йилгача Совет Армияси сафларида хизмат қилди. Улуғ Ватан урушида қатнашди.

Ҳарбий хизматдан қайтгач, халқ маорифи системасида меҳнат фаолиятини давом эттирди. 1949 йили КПСС аъзолигига қабул қилинди. Тошкент партия мактабини тугатгач, Хоразм областида масъул партия ишига юборилди. У Гурлан район ва Ўрганч шаҳар партия комитетларининг пропаганда ва агитация бўлими мудири вазифаларида ишлади. Сўнгра, Ўзбекистон Компартияси Хоразм область комитетининг лектори, сиёсий маориф уйининг мудири, идеология бўлимининг мудири бўлиб ишлади. 1962 йили КПСС Марказий Комитети ҳузуридаги сиртқи олий партия мактабини тугатди. 1967 йил февралидан умрининг сўнгги кунларигача Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг пропаганда ва агитация бўлими инструктори бўлиб ишлади.

К. Ж. Жуманиёзов барча иш жойларида юксак меҳнатсеварлик, собитқадамлик ва қатъиятлик намуналарини кўрсатди. Софлик, партиявий принципиаллик, кишиларга сезгирлик унга хос фазилатлар эди.

К. Ж. Жуманиёзовнинг хизматлари юксак тақдирланди. У Қизил юлдуз ордени ва медаллар билан мукофотланган эди.

Коммунистик партиянинг содиқ фарзанди, юксак бурчга садоқатли инсон Карим Жуманиёзович Жуманиёзовнинг ёрқин хотираси қалбларимизда ҳамиша сақланади.

Бир группа ўртоқлари.

ЕРДА ҲАЁТ БЎЛСИН ДЕБ

Улуғ Ватан урушининг биринчи кунлариданоқ совет санъати фашизмга қарши курашга отланди ва таъсирчан қонли қуролга айланди. Партиянинг «Ҳамма нарса фронт учун, ҳамма нарса Ғалаба учун» деган чақириғи барча совет кишилари, сингари рассомларнинг ҳам шиори бўлиб қолди. Тасвирий санъатнинг барча турлари ичида уруш йилларида рассом Ираклий Тандзенинг «Она-Ватан чорлайди» плакати айниқса ҳозиржавоб эди. Бу плакат-чақириқдаги аёл образи буюк ватанпарварлик пафоси, юксак гражданлик руҳи билан суғорилган эди. Совет жангчиларининг мазкур плакат ҳақида «У бизга фақат Ватаннигина эслатиб қолмасдан, бизни жангга кузатган оналаримизни ҳам эслатади», деб ёзганлари бежиз эмас.

Замонамизнинг санъат антологиясига кирган совет рассомларининг асарлари бугунги кунда ҳам жанг майдони, Ватан олдидаги ўз бурчини бажаришда совет кишисининг ҳарбий шавкатини, жасорати ва матонатини эслатиб турибди. Улуғ Ватан уруши йилларида Тошкентда ҳам қатор йирик полотнолар, плакатлар, лавҳа ва ҳайкалтарошлик асарлари яратилди. Урол Тансиқбоев, Виктор Уфимцев, Михаил Аринин, Надежда Кашина, Лутфулла Абдуллаевлар ана шу даврда Улуғ Ватан уруши тўғрисида публицистик асарлар яратишди. Ўзбекистон ССР Халқ рассоми В. Уфимцевнинг «Тошкент — ҳарбий шаҳар», «Днепр учун олға!» асарлари шулар жумласидандир. Урол Тансиқбоев (кейинчалик СССР халқ рассоми, академик) Ўзбекистон делегацияси составида фронтга бориб келганидан сўнг «Фронт йўллари бўйлаб» деган умумий ном билан ўн бешта полотно яратди. Шимолий Кавказ фронтига бориб келган Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган санъат арбоби Михаил Аринин фронт хотиралари ҳақида тасвирий репортажлар ишлади.

Ўша пайтларда Ўзбекистон рассомлари ҳаётидаги энг катта воқеалардан бири «Ўзбекистон рассомлари Улуғ Ватан урушида» деган альбомнинг яратилиши бўлди. 1945 йилда нашр этилган бу альбомга ўша пайтларда Тошкентда, Самарқандда яшашган, фронтга бориб келган рассомларнинг асарлари киритилган. Фашист қўшинларининг Сталинград остоналарида тор-мор келтирилиши ва Совет Армиясининг ҳужумга ўтиши Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган санъат арбоби Владимир Рождественский асарларида ўз аксини топди. Лутфулла Абдуллаев чизган «Разведкачининг жасорати» картинасида совет разведкачиларининг жасорати мадҳ этилди. Булардан ташқари, альбомдан кўплаб сатирик ва график асарлар ҳам ўрин олган. Альбомдаги асарлар орасида Баҳром Ҳамдамийнинг асарлари мазмун ва бадийлиги билан ажралиб туради. Рассомнинг «УзТАГ ойнаси»дан олинган «Бора қол, ўғлим. Сени халқ йўллаяпти» асари айниқса диққатга сазовор. Рассом бу плакатни ғўё ўзи учун чизгандай. Тез орада Баҳромнинг ўзи ҳам фронтга жўнаб кетди ва Ватан учун жангда ҳалок бўлди.

Уруш йилларида сатира жанри айниқса ривожланди. Бу жанрнинг ёрқин вакилларидан бири Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган санъат арбоби Георгий Карлов эди. Бу ўринда Владимир Андреевич Фаворскийнинг гравюраларини алоҳида таъкидлаб ўтиш лозим. 1941 йилнинг кузида санъат институти билан биргаликда Самарқандга кўчиб келган профессор (кейинчалик Ленин мукофоти лауреати) В. А. Фаворский бу ерда ўзининг машҳур «Порох ҳақида суҳбат», «Дарахт остидаги пода», «Бозорга» асарларини яратди.

Уруш йилларидаги сингари ҳозирги кунда ҳам Ўзбекистон рассомлари ҳарбий ватанпарварлик мавзуида қизғин ижод қилмоқдалар. Уларнинг устаҳоналарида кўплаб янги полотноларга қўл урилянти. Тошкентлик таниқли рассом Анвар Балканов «Сен етим эмассан» плакатини тамомлади. Мазкур плакатнинг маъноси равшан. Уруш йилларида Ўзбекистон фашистлар вақтинча босиб олган районлардан кўчириб келтирилган болаларни ўз бағрига олган эди. Ўзбек оналари бу болаларга нақадар ғамхўрлик кўрсатганликлари плакатда жуда аниқ тасвирланган. Тошкентлик рассомлар Дмитрий Махотиннинг «Қасамёд этамиз» ва Фарук Кагаровнинг «Посбон», «9 май — Ғалаба куни» расмлари алоҳида диққатга сазовор. Тошкентлик рассом-безовчи Александр Коралевнинг юзлаб асарлари орасида Улуғ Ватан урушига бағишланган «Ғалаба билан», «Ҳаёт бўлсин деб», «1941 — 1945» агитплакатлари диққатга сазовор. Бу асарларни рассом фронт лавҳалари ва Ленинград мудофаси ҳамда Ельн ва Смоленск остоналаридаги ҳарбий воқеалар хотиралари асосида ҳозирги кунда яратган.

«Уларга тинчлик керак» — Михаил Громиконинг плакати шундай аталади. Ўз фарзандларини эркалаб ўстираётган ёш оналарга тинчлик керак, деган бу мазмунни Фарук Кагаровнинг «Бизга мусаффо осмон керак» деган плакати давом эттиради. Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган санъат арбоби К. Эмниовнинг «Дақиқали сукут» картинасида Улуғ Ватан урушида ҳалок бўлган Совет Армияси жангчиларига қўйилган ҳайкал олдидаги мангу олов қаршисида турган келин ва қуёв тасвирланган. Юрий Зорькиннинг «Мангу олов олдида» картинаси ҳам шу мавзуга бағишланган.

Бир вақтлар полк ўғли бўлган, А. Н. Островский номидаги Тошкент театр-рассомчилик институтини битириб чиққан Қўчқор Носиров машҳур генерал, Совет Иттифоқи Қаҳрамони Собир Раҳимовнинг композицион портретини ажойиб қилиб ишлаган. Бу асар юбилей асарлари орасидан муносиб ўрин эгаллади. Ўзбекистон ССР халқ рассоми Лутфулла Абдуллаевнинг «Учрашув» картинаси кишида айниқса яхши таассурот қолдиради. Картина мазмунида ўзбек жангчисининг ғалабадан сўнг қадрдон қишлоғига қайтиб келганлиги баён қилинади.

Абдумўмин Бойматов ҳайкалтарошлик композициялари устида иш олиб бораётир. Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика институти майдонида унинг Улуғ Ватан уруши фронтларида ҳалок бўлган студентлар ва педагогларга бағишланган монументи ўрнатилган. Рассом Ноп района учун ишлаётган монументини ҳам тугаллади.

Медат Кагаров урушда қатнашгани йўқ. Лекин унинг ижодида бу мавзу алоҳида ўрин олган. Рассомнинг «Совет Ватани учун», «Автобиография», «Номсиз тепаликда», «Фронтдан хат», «Ғалаба», «Тўй», «Осойишта кун» сингари линогравюрада бажарилган тасвирий асарлари айниқса кишида яхши таассурот қолдиради.

О. АПУХТИН,

Суратда: рассом Ю. Зорькиннинг «Мангу олов олдида» полотноси.



Урта Осиё ирригация илмий-текшириш институтининг илмий ходимлари мустаҳкам гидротехника қурилмаларини яратиш устида иш олиб бормоқдалар. Суратларда: (чапдан) ҳичик илмий ходим Т. Губина, бош инженер З. Классен ва катта илмий ходим, техника фанлари кандидати Рустам Қозоқовлар тўғонлар қурилишини моделлар орқали синаб кўрмоқдалар.

И. Глауберзон фотолари.

АНАТОЛИЙ КАРПОВ ТЎҒРИСИДА КИНО ҚИССА

Ўйинда ғолиб чиқиш учун аввало киши ўзини ўзи енгиши керак» — шахмат бўйича жаҳоннинг ўн иккинчи чемпиони Анатолий Карпов ана шундай «стратегия»га амал қилиб келмоқда. Эҳтимол, ўзининг буюк истеъдоди билан жаҳонни ҳайратда қолдирган ёш гроссмейстернинг асосий сири ҳам худди ана шу ўзининг заиф томонларини енгишидан иборат бўлса.

Ленинград ҳужжатли фильмлар студияси кинематографиячилари яратган «Анатолий Карпов» кинокартинаси атоқли совет гроссмейстери тўғрисида ҳикоя қилади.

Картинани суратга олиш бошланган бир пайтда 1975 йилги жаҳон чемпиони тўғрисидаги масала ҳали очиқ қолган бўлиб, ленинградлик гроссмейстер америкалик Роберт Фишер билан учрашишга астойдил тайёргарлик кўраётган эди. Фильмда Анатолий Карпов ўзининг энг зўр ўйинига катта тайёргарлик кўрганлиги ишонарли тарзда кўрсатилган. У ўз кучига ишонган киши сифатида беллашишга тайёргарлик кўра бошлади.

— Бизнинг кунларимизда шахмат, менимча, санъатнинг, фан ва спортнинг мураккаб синтези бўлиб қолмоқда, худди шунинг учун ҳам шахматнинг кенг омма орасидаги жозиба кучи шу қадар каттадир, — дейди янги чемпион.—Шахсан менга келганда, шахматда спорт санъат ва фанга нисбатан хиёлгина юқори туради. Шахсан мен кураш жараёнини севаман.

Шахматчи учун энг қўрқинчли нарса нима? Ҳунарманд бўлиб қолиш. Энди ўйин услуби тўғрисида гапирай. Менинг рационалистлигим тўғрисида гапиришади. Мен эса бунинг бирор ёмон фазилати борлигини билмайман. Менинг нуқтаи назаримдан рационалист — бу ўз куч-қувватинг ва вақтингни тўғри тақсимлай олиш маҳоратидир.

«Анатолий Карпов» фильми устида режиссёр Николай Боронин, сценарийчи Алексей Самойлов ва оператор Михаил Масс ишлашган.

(ТАСС мухбири).
Ленинград.

спорт

ШАХМАТ. Ригада спартакиада турнири жадвалининг юқорироқ поғоналаридан жой олиш учун командаларо мусобақалар тобора кескин тус олмоқда. Т. Петросян, В. Смислов каби забардаст гроссмейстерлар бош бўлган Москва терма командаси финалнинг биринчи турида РСФСР шахматчиларига 0,5:8,5 ҳисобида ютқазиб қўйгани ҳам шундан далолат беради. Ўзбекистон шахматчилари якуловчи даврани литваликлар билан бошлашди. Улар жуда яхши мусобақалашиб, саралаш босқичларидан кейин группада иккинчи ўринни эгаллаб турган рақибларини 7:2 ҳисобида маглубиятга учратдилар. Шахматчиларимиз 13 очко билан ўз группаларида пешқадам бўлиб олишди.

ФУТБОЛ. «А» класс иккинчи лига командалари ҳам биринчи давра ўйинларини якунлашди. Маълумки, Закавказье ва Ўрта Осиё республикаларининг командалари шу лигаининг биринчи зонасида мусобақалашмоқдалар. Ўзбекистон командалари орасида «Янгиер», «Нефтяник» ва «Ҳонқа» коллективлари натижаларини қониқарли дейиш мумкин. Сирдарё области футболчилари дастлабки муваффақиятсизликлардан кейин ўзларини ўнглаб олишди. Кейинги саккиз гурда маглубиятсиз ўйнаб, турнир жадвалининг биринчи погонасига кўтарилдилар. «Янгиер» командаси ҳисобида 21 очко бор. Пешқадам команда аъзолари саккиз учрашувда ғалабага эришиб, беш ўйинни дуранг билан тугатдилар. 19 очко тўплаган «Ҳонқа» командаси турнир жадвалида бешинчи ўринни эгаллаб турибди.

Редактор ўринбосари
Х. ЕДГОРОВ.

реклама ВА ЭЪЛОНЛАР

Ўзбекистон ССР Савдо министрлиги
ТОШКЕНТ ҲУНАР-САВДО БИЛИМ ЮРТИ
1975—76 ЎҚУВ ЙИЛИГА

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

БИЛИМ ЮРТИ — БАҚҚОЛЛИК — ҚАНДОЛАТЛИК, ГАСТРОНОМИЯ, ГУШТ-БАЛИҚ МАҲСУЛОТЛАРИ, СУТ МАҲСУЛОТЛАРИ, ГАЗМОЛ, ТАЙЕР КИЙИМ, ПОЙАФЗАЛ, ТРИКОТАЖ-ГАЛАНТЕРЕЯ, АТИР-УПА, УЙ-РУЗҒОР МОЛЛАРИНИ СОТИШ УЧУН ЮҚОРИ МАЛАКАЛИ СОТУВЧИЛАР, СОТУВЧИ-КОНСУЛЬТАНТЛАР, СОТУВЧИ-КОНТРОЛЕР — КАССИРЛАР ТАЙЁРЛАДИ.

ЎҚИШ МУДДАТИ — 1 ВА 2 ЙИЛ.

ЎҚИШ — 1 СЕНТЯБРДАН БОШЛАНАДИ.

БИЛИМ ЮРТИГА ўрта (10 синф) ва тўлиқсиз ўрта (8—9 синф) маълумотли, 20 ёшгача бўлган (шунингдек Совет Армияси сафида хизмат қилиб қайтган 23 ёшгача бўлган), Ўзбекистон шаҳарларида турувчилар имтиҳонсиз қабул қилинади.

Билим юртини тугатганларга «КИЧИК СОТУВЧИ», «СОТУВЧИ», «СОТУВЧИ — КОНСУЛЬТАНТ» ва «СОТУВЧИ-КОНТРОЛЕР-КАССИР» деган малака унвони берилади.

Билим юрти ўқувчиларига 32 сўм стипендия берилади, бошқа шаҳардан келганлар ётоқхона билан таъминланадилар. Улар Тошкент шаҳрининг энг яхши магазинларидан бирида машғулотларини ўтадилар.

Билим юртида ўқиш муддати меҳнат стажига киради.

Ўқишга кириш учун қуйидаги ҳужжатлар керак: директор номига ёзилган ариза, маълумоти ҳақидаги гувоҳнома (асл нусхаси), туғилганлиги ҳақида гувоҳнома (асл нусхаси), турар жойидан справка, соғлиғи ҳақида 28-формадаги медицина справкаси, шаҳар савдо бўлимининг йўлланмаси, 3х4 сантиметр катталикда учта фотосурат.

Билим юртининг адреси: Тошкент-86, «Оқтепа» массиви, Самарқанд дарвоза кўчаси, 60-уй (12, 13, 29, 32, 34, 36, 43, 48-автобуслар, 4, 9, 11, 18, 21-трамвайларнинг «Оқтепа» бекати). Телефон 77-95-80.

ТЕЛЕВИДЕНИЕ

БУГУН

БИРИНЧИ ПРОГРАММА. 9.55 — МОСКВА. 17.25 — ТОШКЕНТ. «Камалак». 18.55 — «АХБОРОТ». 19.10 — «Халқаро хотин-қизлар йили». 19.40 — **Ватанғадолар** (бадиий фильм, 1-серия). 21.10 — «АХБОРОТ». 21.30 — Москва. **«Аполлон» космик кемасининг қўндирилиши тўғрисида репортаж.** 21.45 — Концерт. 22.00 — **«Инсон, ер, коинот».** 22.45 — ТОШКЕНТ. Шифокор суҳбати. 23.00 — **«Пахта ва сув».** 23.25 — Най наволари. 24.00 — МОСКВА. **«Вақт».** **ИККИНЧИ ПРОГРАММА.** 11.25 — ТОШКЕНТ. «Камалак». 17.30 — МОСКВА. 19.20 — **ШКИД республикаси** (бадиий фильм). 21.30 — ТОШКЕНТ. «Замандас». 22.15 — **«Инсон ва қонун»** 22.45 — МОСКВА **Ана-ука Карамазовлар** (бадиий фильм, 3-серия). **УЧИНЧИ ПРОГРАММА.** 20.00 — ТОШКЕНТ. 20.05 Концерт. 20.45 — «Тошкент ва тошкентликлар». 21.20 — Балет ҳақида. 21.50 — Пойтахт янгиликлари. 22.05 — **Хўжа Насриддиннинг 12 қабри** (бадиий фильм).

ҚИШКИ БИНОДА

Виннету — Инчу-Чун ўғли — САНЪАТ САРОЙИ, «ЧАПКА», «ВОСТОК», «МОСКВА», «НУКУС» (кундуз ва кечқурун).

Есения — «ТОШКЕНТ СОВЕТИНИНГ 50 ЙИЛЛИГИ (16.00, 18.30, 21.00), «ДРУЖБА» (11.00, 13.30, 16.00, 18.30, 20.40).

Маккенининг олтинлари — «ДРУЖБА» (13.00, 14.30, 17.00, 19.30).

Н. К. КРУПСКАЯ НОМИДАГИ РЕСПУБЛИКА МАКТАБГАЧА ТАРБИЯ БИЛИМ ЮРТИ
1975—1976 ЎҚУВ ЙИЛИГА

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Билим юрти болалар боғчалари учун тарбиячилар тайёрлайди.

ЎҚИШ МУДДАТИ: 8-синфни битирганлар учун 3 йилу 10 ой; 10-синфни битирганлар учун 1 йилу 10 ой.

Билим юртига 8 ва 10 синфни битирган хотин-қизлар қабул қилинади.

АРИЗАЛАР 30 ИЮЛГАЧА ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

8-синфни битирганлар учун қуйидаги фанлардан имтиҳон ўтказилади: она тили (диктант), математикадан (оғзаки);

10-синфни битирганлар учун қуйидаги фанлардан имтиҳон ўтказилади: она тили ва адабиёт (ёзма), СССР тарихидан (оғзаки).

Қабул қилинганлар етоқ, бепул овқат ва стипендия билан умумий тартибда таъминланадилар.

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳар, Чилонзор район, Муқимий кўчаси, 178-уй.

СССР НЕФТЬ САНОАТИ МИНИСТРЛИГИ
А. Қ. АЗИЗҚОРИЕВ НОМЛИ МЕҲНАТ ҚИЗИЛ БАЙРОҚ ОРДЕНЛИ ҚУҚОН НЕФТЬ ТЕХНИКУМИ
1975—1976 ўқув йилига қўйидаги ихтисослар бўйича

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

КУНДУЗГИ БЎЛИМГА: нефть ва газ қудуқларини пармалаш, нефть ва газ қудуқларини эксплуатация қилиш, нефть ва газ конларинь ускуналаш, саноат корхоналарини электр ускуналаш, саноат ва граждан қурилиши;

КЕЧКИ БЎЛИМГА: нефть ва газ қудуқларини пармалаш, нефть ва газ қудуқларини эксплуатация қилиш, нефть ва газ конларини ускуналаш, саноат корхоналарини электр ускуналаш;

СИРТҚИ БЎЛИМГА: нефть ва газ қудуқларини пармалаш, нефть ва газ қудуқларини эксплуатация қилиш, нефть ва газ конларини ускуналаш, саноат корхоналарини электр ускуналаш.

Техникумга кириш шартлари Совет Иттифоқининг барча ўрта махсус ўқув юртларига қабул қилиш қоидаларига асосланган.

Стипендия 30-37 сўм миқдорида тўланади.

Техникум адреси: Қўқон шаҳар, К. Маркс кўчаси, 28-уй.

Телефонлар 22-04, 35-16, 33-66.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети аппараты ҳамда Ишлар бошқармаси партия ва касаба союз ташкилотлари Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети аппаратининг масъул ходими

Карим Жуманиёзович ЖУМАНИЁЗОВнинг

беваҚт вафот этганлиги чуқур қайғу билан маълум қиладилар ва марҳумнинг оила аъзолари ҳамда қариндош-уруғларига чуқур таъзия изҳор қиладилар.

«Совет Ўзбекистони» редакциясининг коллективи газетанинг Бухоро области мухбири Х. Қодировга онаси

Қурбоной БОБОЕВАнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия билдиради.

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ
Орган ЦК Компартии Узбекистана, Верховного Совета и Совета Министров Узбекской ССР
БИЗНИНГ АДРЕС: 700.000, ГСП, ТОШКЕНТ, «Правда Востока» кўчаси, № 26 * ТЕЛЕФОНЛАР
Коммутатор — 330249 дан 330258 гача
Эълонлар — 338142

Р. 14064 Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг босмахонаси, Тошкент шаҳри. ИНДЕКС 64583. Б. — 173.